O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 28-noyabr • № 48 (3980)

"РАССОМ БЎЛСАМ ЭДИ, ЧИЗИБ БЕРАРДИМ..."

Чўлпоннинг 110 йиллига

Ҳар бир шоир ижодий ҳаёти давомида турли адабий, ижтимоий ва руҳий жараёнларни бошидан кечиради. Шунинг учун адабиётшунослар аксар шоирлар ижодини турли даврларга бўлиб ўрганадилар. Эҳтимол, Чўлпоннинг ижодини ҳам шакланиш ва юксалиш босқичларига ажратиб ўрганиш жоиздир. Аммо Чўлпон гулшанининг чаман гуллар билан бурканган даври шўролар давлатининг мустабидлаша бошлаган пайтига тўғри келди. 20-йилларнинг охиридан бошлаб эса, у шўро давлати билан муросаи мадорада яшашга мажбур бўлди. 20-йиллар аввалида шеърият "сир"ларини мукаммал эгаллаб, ижод дурдоналарини ярата бошлаган шоир шўро даври мавзуларида қалам тебратганида, илҳом булоғи мавж урриб турмади. Шунинг учун Чўлпоннинг абадий ўлмас мавзуларга бағишланган лирик шеърлари, орадан қанча замонлар ўтса ҳамки, бадиий латофати ва жозибасини йўқотмай, кўклам чечакларидек хушбўй ифорини ҳамон таратиб турибди.

Биз адабиётшунослар, одатда, Чўлпон лирикасининг беназир намуналари сифатида «Гўзал» сингари шеърларнигина тилга олиб келамиз. Ҳолбуки, унинг 20-йилларда ёзган қарийб барча шеърлари нафақат ўзбек, балки жаҳон лирикасининг энг нодир намуналари даражасида. Бу асарларнинг бадиий қувватини белгиловчи омил, аввало, уларда ифодаланган ҳис ва туйғуларнинг шоир қалбидан вулқондай отилиб чиққани ва китобхон қалбини адашмай топиб, уни ларзага келтира олганидир. Бундан ташқари, Чўлпон бу асарларида шеърий санъатнинг барча нозик ва нафис усулларини мукаммал эгаллаган, улардан катта маҳорат билан фойдаланган сеҳргар шоир сифатида гавдаланади.

СЎЗ — ШЕЪРНИНГ ҚОН ТОМИРИ. Агар шоир ҳис-туйғулар оламини ёрқин ифодалай оладиган Сўзни топа олмаса, шеър туғилмайди. Чўлпон сўзнинг маъно қатламларинигина эмас, балки ранглари ва мусиқий товланишларини ҳам чуқур ҳис этган. Сўз, қизиган доира янглиғ, жаранглаган тақдирдагина шоир ундан "қурилиш ашёси" сифатида фойдаланган. Шундай сўзлардан ташкил топган чўлпонона сатрлар, худди марварид шодаси сингари жило таратиб туради. Шоир пейзаж лирикасининг юксак намуналаридан бири — "Хазон" шеърининг дастлабки сатрига эътибор берайлик:

Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар...

Табиат гарчанд куз фаслида тилларанг барглар денгизига ғарқ бўлиб, ошуфта кўзларни қамаштирса-да, теварак-жонибда аллақандай маъюс бир кайфият, мунгли ва ғуссали ҳолат ҳукмронлик қилади. Чўлпон табиатдаги ана шу ҳолатни ифодалар экан, дарахтларни буркаб турган заъфарон барглар оламига эмас, балки ерга нигоҳини қаратади. Шоир тупроқнинг гезариб турганини тасвирлаш орқали ўз мақсадига эришади: сизнинг хаёлингизда қони қочган кишидек сўлғин бир замин пайдо бўлади. Чўлпон шу билангина кифояланмай, бояги сатрни ўзга бир тартибда яна такрорлайди:

Гезариб қолдилар куз чоғи япроқлар...

Бир поэтик фикрнинг икки марта такрорланиши ва шоирнинг "гезариб" сўзига алоҳида урғу бериши натижасида шеърий сатрлардаги ҳазин мусиқа янада кучайиб, юрагингизни тирнай бошлайди. Ўзингизни заъфарон барглари ҳам тўкилиб, ялангочланиб қолган етим табиат бағрида қолгандек ҳис этиб, юрагингиз увушиб кетади. Чўлпон шундай бадиий эффектга севимли поэтик усули — чертиб танланган сўзлар шодасини ўзга бир йўсинда такрорлаш орқали эришади.

Давоми тўртинчи бетда.

КЎҲНА "ЧИН"ДАН ИЛМ ИЗЛАБ

Шу йилнинг сентябр ойида юртимизнинг бир гуруҳ талабалари Хитой Халқ Республикасининг Ланжоу шаҳридаги университетида таҳсил ола бошлаган эдилар. Мазкур ўқув даргоҳида АҚШ, Буюк Британия, Белоруссия, Покистон, Гана, Япония, Корея, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган ёшларга жами 160 та грант ажратилган эди. Шулардан элликдан ортиғига ўзбек талабалари сазовор бўлишди.

Грант талабларига кўра, талабалар бир йил давомида хитой тилини пухта ўрганиб, келгуси йилнинг сентябр ойида — университетнинг юз йиллик шодиёнаси арафасида танлаган соҳалари бўйича бакалавр, магистр йўналишларида ҳамда аспирантлик ва докторлик даражалари бўйича ўқишни давом эттирадилар.

Яқинда Ланжоу университетининг марказий кутубхонасида хорижлик талабалар ташаббуси билан "Мангу дўстлик" шиори остида халқаро маданиятлар фестивали бўлиб ўтди. Унда талабалар ўзларининг она-Ватанлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи чиқишлари билан қатнашиб, миллий урф-одатлар, азалий анъаналардан сўйловчи оригинал кўргазмаларни намойиш этдилар.

Фестивалга ўзбек ёшлари ҳам катта тайёргарлик кўришди. Кўргазма залларида Ўзбекистоннинг давлат рамзларига кенг жой ажратилди. Жонажон юртимиздан олиб борилган давлат байроғи кўргазма залининг икки тарафига осиб қўйилди. Бу, шубҳасиз, ўзбек талабаларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Шунингдек, кўргазмада барча мамлакат ёшлари ўз миллий таомларини намойиш қилишди. Ўзбекистонлик талабалар ҳам палов, норин, манти, кабоб сингари миллий таомларимизни дастурхонга тортиб, тадбир иштирокчилари олқишига сазовор бўлдилар.

Кувонарлиси, мазкур фестивал доирасида ўзбек талабаси Муҳиддин Алимбоевнинг "Ўзбекистон — Хитой: дўстлик жилолари" дея номланган илк фотокўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

— "Ёшлар йили" мен учун жуда муваффақиятли келди, — дейди Муҳиддин. — Авваламбор, тенгдошларим қатори грант соҳиби бўлиб, Хитойда таҳсил олаётганим мен учун катта бахт. Қолаверса, ўзимнинг илк суратлар кўргазмамни маданий анъаналари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган Хитойда ўтказаётганимдан хурсандман. Мен олган фотосуратларда икки мамлакатнинг сўлим гўшалари, гўзал табиати ва турли қиёфадаги одамлари акс этган.

Шу кунларда фестивал ҳамда фотокўргазма Ланжоу шаҳридаги "Южонг" талабалар шаҳарчасида давом этмоқда.

Хитойда таълим олаётган ўзбек талабалари Муҳиддин Алимбоев ва Жалолиддин Саъдиновнинг интернет орқали йўллаган мактуби асосида

Носиржон ЖЎРАЕВ тайёрлади.

Хитойдан мактуб

Азим СУЮН

Шеъриий лаҳза

БОШ КИТОБ

Бир тошдан бошланур чўққи асли ҳам,
Бир булоқ манбаи дарё насли ҳам.

Бир нафас елдирким шамол шарафи,
Оламни тозартар унинг фасли ҳам.

Ҳикматсиз бир гиёҳ йўқдир дунёда,
Ким билгич, дармондир унсиз саси ҳам.

Одамзод истаги чек-чегарасиз,
Бир ҳовуч тупроқдан қулба, қасри ҳам.

Миллатман деганнинг Бош Китоби бор,
Инсон қадри учун ҳақнинг дасти ҳам.

Иймондир бу Китоб сувайдоси гар,
Унда безиёндир душман қасди ҳам.

Бош китоб — Бош Қонун — Ўзбек ўзлиги,
Шунда шон-шарафли бўйи-басти ҳам.

Инсонга тождирким Ҳақ адолати,
О, Азим, уқиб ол, яша рости ҳам!

ЖАҲОН САҲНАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИМИЗ

Театр санъати халқларни ягона мақсад — эзгулик йўлида бирлаштирувчи маънавий неъматлардан биридир. Мустақиллик йилларида ўзбек театр санъатига, унинг ижодий ютуқларига узоқ ва яқин хориждаги театр мутахассисларида қизиқиш кучайди. Истеъдодли ўзбек режиссёрларининг изланишлари, бой тажрибалари хориж саҳналарида бўй кўрсатиб, ўзбек миллий театр мактаби, ўзбекона руҳиятни намоён этмоқда. Баҳодир Йўлдошев, Олимжон Салимов, Наби Абдураҳмонов, Владимир Шапиро, Феруддин Сафаров, Валижон Умаров каби режиссёрлар бир қанча хорижий мамлакатлар саҳналарида катта муваффақият билан спектакллар саҳналаштириб, ўзбек миллий режиссура мактаби анъаналарини тарғиб этдилар. Эришилган бу ютуқлар пойтахтимизда "Театр: Шарқ — Ғарб" халқаро фестивалини ўтказишга омил бўлди. Кейинчалик Тошкент шаҳрида "Ҳумо" ёшлар театрининг халқаро анжумани, "Наврўз", "Тошкент баҳори", "Андижон баҳори", Қўғирчоқ театрлари фестиваллари ташкил этилди.

Хориж театрларининг йирик намояндалари ва санъат усталари ҳам пойтахтимизда ўтказилаётган театр анжуманларида иштирок этиб, маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашмоқдалар. Шу йилнинг апрел ойида Алишер Навоий номидаги академик катта театрда Россия ва Италия опера санъаткорлари билан ҳамкорликда улуғ италян композитори Д. Пуччининнинг 150 йиллиги нишонланди. Ўтган ҳафтада эса "Болтиқ уйи Тошкентда" халқаро театр фестивали муваффақиятли якунланди.

Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида Ўзбекистон театрларининг 2008 йил давомидаги халқаро алоқалари ва ижодий сафарларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда пойтахт театрларининг директорлари ва бош режиссёрлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги муассислигида чоп этилаётган газета-журналларнинг бош муҳаррирлари иштирок этишди. Брифингни Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев бошқарди. Йиғилишда "Ўзбектеатр" бирлашмаси раҳбари Омонулла Ризаев, Миллий академик драма театри директори Ёқуб Аҳмедов, Ёш томошабинлар театри бош режиссёри Олимжон Салимов, Республика қўғирчоқ театри бош режиссёри Фатхулла Хўжаевлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Анжуманга таклиф этилган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Эътиборли жиҳати шуки, брифингда бугунги саҳна санъатининг ютуқларини эътироф этиш билан биргаликда, театр арбоблари томонидан санъатшунос ва журналистларни баҳсга чорлайдиган фикрлар ҳам билдирилди.

ЁШЛАРНИНГ "ЁШЛАР КИТОБИ"

Йил бошида ёш ижодкорлар орасида бир хушхабар тарқалган эди. "Ёшлар йили" муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Шарқ" НМАК ҳамкорлигида умидли қалам соҳибларининг каттагина алманахи чоп этиладиган бўлибди. Куни кеча орзиқиб кутилган ана шу "Ёшлар китоби" нашрдан чиқди.

Якунланаётган йил, бошқа соҳалар қатори, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларга янада кенг имкониятлар яратиб бериш сингари хайрли ишлар билан ҳам кўпчиликнинг ёдида қолиши аниқ. Айниқса, ўзида юздан ортиқ ёшларнинг ижод намуналарини жамлаган "Ёшлар китоби" чиндан ҳам унутилмас воқеа бўлди.

Мазкур баёзнинг дунё юзини кўришида, албатта, устоз шоир ва ёзувчиларнинг меҳнати беқиёс бўлди. Китобни ташкил этган тўрт бўлим — "Назм", "Наср", "Таржима" ва "Адабий тадқиқотлар" бобларидан ўрин олган шеърий, насрий ва публицистик намуналарни саралаш, китоб ҳолида жамлаш, табиийки, мураккаб жараён.

Китоб сўзбошисида ёзилишича, ёш ижодкорлар ўз овози, теран фикрлари, мушоҳадалари орқали мустақил юртимиз ва халқимизнинг бетакрор қадриятларини келажакда жаҳон адабиёти саҳнасида кўрсатишлари, шубҳасиз.

"Ёшлар китоби"га жамланган ижод намуналари ана шундай ишонч билдиришга имкон беради.

Масъул муҳаррирлар Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ва Аҳрор Аҳмедов. Тузувчилар Баҳром Рўзимуҳаммад, Турсун Али, Рустам Бойтўра. Адади 5000 нусха.

М.Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида шаҳар ёшлари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизими ходимлари иштирокида Ўзбек Миллий академик театри артистлари — Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рихсивой Авазов ва Мадина Мухторова иштирокида ўтган ижодий учрашув ҳам Конституция кунига бағишланди. Учрашув сўнгида "Ёшлар йили" муносабати билан театрда Шукрулло Маҳкамовнинг "Кутича" асари асосида Актам Бойтўраев саҳналаштирган "Хазина" спектакли намойиш этилди.

* * *

Қарши давлат университетида вилоят ҳокимлиги ва Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида миллий-маданий марказлар фестивали ўтказилди. Тадбирда республика Байналмилал маркази раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Н.Муҳаммадиев ҳамда Қарши давлат университети ўқитувчиси О.Жўрақулов миллий марказлар фаолияти юзасидан маълумот бердилар.

Ҳ.БУРҲОНОВ

ШАЙХЗОДАХОНЛИК АНЖУМАНЛАРИ

Аввал хабар берганимиздек, ўтган ҳафта юртимизда атоқли шоир ва драматург, таржимон ва адабиётшунос олим Мақсуд Шайхзода таваллудининг юз йиллигига бағишланган хотира кечалари, илмий-назарий анжуман ва ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ташкил этилган илмий анжуманни институт директори, профессор Тўра Миразев очиб, устоз Шайхзоданинг юз йиллиги муносабати билан адибнинг кўп қиррали бадиий ва илмий ижоди мисолида адабий таъсир ҳамда ўзбек адабиётида жанрлар тараққиёти масалаларига яна бир қур назар ташлаш, буюк санъаткор ижодининг муайян қирраларини ўрганиш ва таҳлил этиш имкони туғилганини таъкидлади.

Давоми учинчи бетда

САНЪАТКОРНИ ЭСЛАБ

Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги мусиқа коллежида таниқли хонанда, адабиётчи, композитор ва рассом Муслим Магомаев хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистондаги Озарбойжон элчихонаси ҳамкорлигида ўтган мазкур кечада "олтин баритон" овози соҳибининг ижоди ҳақида сўз юритдилар. Хонанда айтган машҳур қўшиқлар янгради. Саҳнада вокал санъати усталари ва коллеж талабалари учрашдилар. Хотира кечасида юртимиздаги Озарбойжон элчихонаси маслаҳатчиси Заби Охундов сўзга чиқди.

Муслим Магомаевнинг қўшиқларидан бирида "Хотирам бор экан — мен ҳаётман!" деган сатрлар бор. Демак "Биз хотирлар эканмиз, у барҳаётдир!".

Ф.ФАХРУТДИНОВА

Муаллиф олган сурат.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Бастакорлар уюшмаси, "Туркистон" саройи билан ҳамкорликда "Наврўз" умумхалқ байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган эстрада хонандаларининг

"ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ"
республика кўрик-танловини ўтказади.

КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАКСАДИ:

Мамлакатимизда миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш орқали ёш авлод онг-шуурида она-Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳи чуқур илдиз отишини таъминлаш, саҳна санъати воситасида ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, бирдамлик, тотувлик ва бошқа умуминсоний қадриятларни тараннум этиш, "Наврўз" умумхалқ байрами билан боғлиқ қадимий урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни мадҳ этувчи ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб яратилган янги оригинал қўшиқларнинг муаллифларини рағбатлантириш, шунингдек, янги истеъдод эгаларини кашф этишдан иборат.

Кўрик-танловда 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган профессионал санъаткорлар, ҳаваскор эстрада хонандалари, алоҳида жамоалар, олий ва ўрта-махсус санъат ўқув юртларининг талабалари ва жамоалари, эстрада соҳасида ижод қилаётган бастакор ва шоирлар иштирок этишлари мумкин.

2008 йилнинг декабр ва 2009 йилнинг январ ойларида бўладиган мазкур кўрик-танлов уч босқичда ташкил этилади:

— биринчи босқич 2008 йил декабр ойининг иккинчи ўн кунлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг туман ва шаҳарларида;

— иккинчи босқич 2009 йил январ ойининг иккинчи ўн кунлигида вилоят марказларида;

— якуний босқич 2009 йил 24 январида Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтади. Танловнинг барча босқичларида мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ва ҳакамлар ҳайъати иш олиб боради.

Кўрик-танловда иштирок этувчи ҳар бир хонанда иккитадан қўшиқ ижро этади:

— биринчи қўшиқ "Наврўз" байрамига ёки Тошкент шаҳрининг юбилейига бағишланган бўлиши лозим;

— миллий эстрада йўналишидаги иккинчи янги қўшиқни хонанданинг ўзи танлайди.

Ижрочи асарни вокал-чолғу ансамбли жўрлигида ёки мусиқий фонограмма — "мини диск" ёрдамида жонли овозда ижро этади.

Қатнашчиларнинг дастури, ижро маҳорати, танланган мавзуларнинг кўрик-танлов низомида кўзда тутилган мақсадларга мослиги, овоз ва созларнинг уйғунлиги, ижро этилаётган асарга танланган саҳна либослари ҳамда саҳна маданияти 10 балли тизимда баҳоланади.

Кўрик-танлов ғолиблари "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг I, II, III даражали дипломлари, фахрий ёрлиқлар ҳамда совринлар, тегишли ташкилот ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Жумладан:

— 1 та биринчи даражали диплом ва 1000000 сўм пул мукофоти;

— 2 та иккинчи даражали диплом ва 750 000 сўмдан пул мукофоти;

— 2 та учинчи даражали диплом ва 500 000 сўмдан пул мукофоти;

— 3 та рағбатлантирувчи диплом ва бир йилга имтиёзли лицензия;

Кўрик-танловда ғолиб деб топилган қўшиқларнинг ижрочилари мамлакатимиз санъаткорларининг хорижий мамлакатларда ўтадиган гастрол сафарларига таклиф этилади, энг яхши қўшиқлар "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг телевидение орқали намойиш этиладиган "Йилнинг энг яхши қўшиқлари" дастурига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолибларининг рўйхати ва уларнинг тўлиқ концерт дастури ҳамда ижро этиладиган қўшиқларнинг матнлари, муаллифлар ва бастакорлар ҳақидаги маълумотлар "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ташкилий қўмитасига 2009 йилнинг 15 январигача тақдим этилиши керак.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй, "Туркистон" саройи.
Телефонлар:
235-52-80; 235-89-93.

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Биз истиқлолнинг илк йилларида бошланғич синфга борган эдик. Ўшанда ҳар тонг мактаб ҳовлисида йиғилиб, жонажон юртимиз мадҳиясини куйлардик. Мадҳия оҳанглари билан уйғунликда давлатимиз байроғи юксакка кўтарилар эди. Бу дилларимизга ҳаяжон, илиқлик бағишларди. Энди англасам, ўша илиқлик — кўнглимизда миллий ифтихор, миллий ғурур туйғусининг уйғониши экан. Мактаб даврида болалик шууримизни тўлдирган ифтихор ҳисси ақлу тафаккуримиз билан баробар ўсиб, қалбимизда чинакам ватанпарварлик, элу юртга фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаб борди.



Яна бир неча кундан сўнг мустақил давлатимизнинг Бош китоби — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган санани кенг нишонлаймиз. Истиқлолга эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб то бугунга қадар давлатчилигимизнинг асосий қонуни, ҳаётимизга маъно-мазмун бағишлаб келаётган ушбу қомус, шубҳасиз, ўзининг одиллиги, инсон манфаатларини ёқлаши, юртимизнинг ҳар бир фуқаросини аввало инсон сифатида улуғлаши билан барчамизга бирдек қадрдон.

Қомусимизни ўқиб, идрок этар эканмиз, унинг ўзбек давлатчилигининг анъаналари билан чамбарчас боғлиқлигини янада теран англаймиз. Унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрлар давомида сўнмаган ғурури, кайфияти акс этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, албатта, миллий давлат тузуми ва маданий ривожланиш билан бевосита боғлиқ.

Мустақиллик йилларида болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида душанба кунги сабоқлар давлат байроғининг тантанали суратда кўтарилиши, ўқувчиёшларнинг ўнг қўлини кўксига қўйиб ҳурмат билан мадҳиямизни куйлашидан бошланади. Ҳар бир ўқув даргоҳида махсус конституция дарслари йўлга қўйилган. Бу — ёш авлод қалбида Ватанга, давлатимиз рамзларига нисбатан муҳаббат ва садоқат туйғуларини уйғотади. Зеро, Давлат қомуси худди она Ватаннинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Шерали КОДИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

ЗАКОВАТИ ТЕНГСИЗ ЭДИ

Академик Шавкат Воҳидовни билмаган, танимаган юртдошларимиз кам. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Шавкат Воҳидов кўп йиллар "Коинот" илмий ишлаб чиқариш бошқармасининг бош директори бўлиб ишлаган эди.

Шавкат Воҳидов 1932 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган, ўзининг илмий иқтидори билан космонавтика фани, космик технологиялар тараққиётига бемисл ҳисса қўша олиш даражасига етган физик олимларимиздан эди. У 1987 йилдан Ўзбекистон Республикаси Космонавтика федерацияси президенти, 1990 йилдан бошлаб эса иқтидорли мактаб ўқувчилари учун ўзи ташкил этган халқаро аэрокосмик мактабнинг ташкилотчиси ва раҳбари бўлди. Шавкат Воҳидов қаттиқ жисмлар физикаси, космонавтика, спектроскопия, кристалография, радиотехника ва алоқа, асбобсозлик бўйича йирик тадқиқотларни амалга оширди. Унинг бевосита раҳбарлигида орбитадаги сунъий йўлдошларга метеорлар, фазодаги чиқиндилар ёки махсус жисмлар билан таъсир кўрсатилганда хабар берадиган ихчам йўлдошлар яратилди. Шунингдек сел, қор уюмлари кўчиши ва бошқа табиий офатлар юз беришидан хабар берадиган ва бу фалокатлар олдини оладиган асбоб-ускуналар яратишга ҳам муваффақ бўлди.

Агар эътибор берган бўлсангиз, шўролар ҳукмронлиги йилларида космосни забт этиш борасида қўйилган қадамларда юртимиз фарзандларининг иштироки бўлганлиги, ҳатто уларнинг бу ишларга доир бирор жўнроқ ишларда қатнашгани ҳақида ҳам ҳеч нарса эшитмаган эдик. Ҳолбуки, космосга учирилаётган сунъий йўлдошларнинг муҳим жараёнларини ишлаб чиқиш, уларнинг энг зарур асбоб-ускуналарини яратишда Шавкат Аҳадович Воҳидовдек алломаларимизнинг илм ва заковатлари, тенгсиз жасоратлари керак бўлган экан. У фазони забт этувчилар қаторида фақат оддий вазифалар ижрочиси бўлибгина қолмай йилдан кўпроқ вақт давомида юзлаб олим ва юқори малакали мутахассисларга бошчилик қилиб, космонавтика соҳаси ривожидаги мисли кўрилмаган ютуқларга ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистоннинг космонавтика фани ва амалиётидаги иштироки шу кунларда ташкил топганига қирқ йил тўлаётган Тошкент машинасозлик-конструкторлик бюроси билан бевосита боғлиқ. 1969-1977 йилларда бу муассасани унинг бош конструктори В.Г. Елисеев, 1977-1980 йилларда эса А.А.Прохоров бошқарган. Шавкат Воҳидов мазкур конструкторлик бюросига 1981 йилдан то 2002 йилгача бош раҳбар, яъни йигирма бир йил давомида бош конструкторлик қилди. Ю.И.Болотин, Ю.Н.Денисов ва Б.П.Жуковлар унинг ўринбосарлари бўлган.

Тошкентдаги махсус конструкторлик бюросида Шавкат Воҳидов раҳбарлигида яратилган "ЛБ-09" пармалаш қурилмаси ва автоматлар Ойни, Марс ва Венерани тадқиқ этишда, Галлей кометаси сари учирилган "Вега"да олиб борилган эксперименталда аниқса қўл келгани бугун кўпчиликка сир эмас. Бу қурилмалар "Луна-24" аппаратда Ойга етказилиб, унинг ёрдамида 2,7 метр чуқурликда Ой замини бурғиланган. Бу жуда ноёб ихчам бурғилаш қурилмасининг оғирлиги 27 килограмм, катталиги эса атиги уч метрча холосдир. Тошкентдаги конструкторлик бюросида бу қурилмани Венера сайёрасида ишлатиш учун уни беш юз даража иссиқликка ва 95 Ер атмосфераси босимига тенг бўлган босим шароитида ишлай оладиган ва яна Венера атмосферасининг агрессивлигини назардан қочирмаган ҳолда такомиллаштириш ҳам амалга оширилган.

1981 йилнинг октябрида учирилган "Венера-13" ва "Венера-14" космик станциялари Венера сайёрасига юмшоқ қўндирилади. Венера заминининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш учун бу қурилмалар орқали махсус герметик бўлмаларда ўта ноёб эксперименталар амалга оширилади. Ерга Венера заминидаги элементларнинг олтмиш хил спектрини узатишга муваффақ бўлинади. Орадан уч йил ўтгач, Шавкат Воҳидов раҳбарлик қилаётган жамоа яна бир глобал космик лойиҳа — Галлей кометасини ўрганишда ҳам фаол иштирок этади. 1985 йили "Вега-1" ёрдамида Венерага етказилган бурғилаш қурилмаси сайёранинг бошқа жойларидаги заминни ҳам таҳлил қилади. Бундай қурилмалар Марс ва унинг сайёраси Фобосда ишлаш учун ҳам яратилади. Бундан ташқари, Фобосга бориб тўхтайдиган ва узоқ вақт ҳаракатда бўладиган автоматик станция ҳамда қуёш системасининг бошқа планеталарини ўрганишга мўлжалланган қурилмалар устида тадқиқот ишлари олиб борилади.

Ш.Воҳидов узоқ йиллар давомида жамоани аниқ мақсад сари уюшган ҳолда ҳаракатлантиришга муваффақ бўлди. У кўплаб юқори малакали конструкторлар, асбобсозлар ва технологлар, электрончилар, ишлаб чиқарувчи ва синовчиларга устозлик қилди. Космик фазони тадқиқ этишда жаҳондаги кўплаб олим ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга эришди. Бойқўнғирдан космосга одам учаётган навбатдаги бир парвоз арафасида қиркдан ортиқ ўзбекистонлик олим ва мутахассисни ўз ташкилоти ҳисобидан "Икарус" автобусида у ерга бориб-келишини ташкил қилганини эса ҳали-ҳануз кўпчилик катта миннатдорлик билан эслаб юради.

Шавкат Аҳадович юртимизнинг иқтидорли мактаб ўқувчилари учун ташкил этган халқаро аэрокосмик мактаб, мана, салкам йигирма йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Алломанинг бениҳоя камтарлиги, гўзал инсоний фазилатлари, фидойилиги ҳам асло унутилмасдир. Яқинда заковати тенгсиз улуғ аллома қарийб саксон ёш арафасида боқий дунёга рихлат қилди. Космик технологиялар тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган академик Шавкат Воҳидовнинг жасорати унинг яратувчилик ва кашфиётчилик ишини давом эттираётган шогирдлари тимсолида давом этажақдир.

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Ҳаётимизнинг Асосий қонуни — Конституциямиз байрами муносабати билан вилоятларда турли касб эгалари, ёшлар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат ходимлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Бухоро Давлат университетида ва Шофиркон туманида ўтказилган учрашувларда университет ректори Олтин Ёриев, туман ҳокими Ийдибой Жўраев, адабиётшунос олимлар Тўра Мирзаев, Иброҳим Ҳаққул, Охунжон Сафаров, Илҳом Ғаниев, Шодмон Сулаймон, шоирлар Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳидов, Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Бақоев ва бошқалар Жамол Камолнинг адабиётимиз, маданий ҳаётимиз ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси, шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари, таржимашуносликдаги муваффақиятлари тўғрисида фикр юритдилар. Шоир Омон Абдулла раҳбарлик қилаётган "Мингчинор" адабий тўгарагининг қатнашчилари ўқиган она юрт, севги-садоқат ҳақидаги шеърлар, Жамол Камол шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар анжуманга алоҳида кайфият бахш этди.

* * *

Тошкент вилоятининг Паркент туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан таниқли ижодкорлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, ЎзМУ доценти А.Алимбеков Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг бурчи ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида сўзладилар. Учрашувда Ватан, ёшлик, инсонийлик мавзуидаги шеърлар янгради. Ўзбекистон хизмат кўрсатган артистлар Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ғаниевлар ижросидаги қўшиқлар меҳнаткашларга яхши кайфият бағишлади.

Ўз ахборотимиз

ЕР ТАФТИДА ПИШГАН НОН

Акс садо

"ЎзАС"нинг деярли ҳар бир сонида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз ҳақида бериб борилаётган мақолаларни синчковлик билан ўқиб борамиз. Бундай чиқишлар, айниқса, биз ёшларнинг тарбиямиз учун жуда зарурлигини таъкидламоқчимиз. Чунки биз дунёга очилган, дунё бизга кириб кела бошлаган ҳозирги янги замонда турли одатлар, ғоялар, маслаклар, ахборотлар оқими шу қадар кўпки, бундай шароитда ўзлигимизни асраб олиш, миллий қиёфамизни йўқотмаслик энг биринчи вазифадир.

Дарвоқе, ЎзМУ магистри З.Раҳмонованинг "Мулоҳаза учун мавзу" рукнида эълон қилинган "Жумонг"га яқинлашиб... "Алпомиш"ни унутмайлик" сарлавҳали мақоласида таъкидлаганидек, "Алпомишнинг ҳатто ким эканлигини билмайдиган ўзбек боласини кўриб" нафақат ажабланиш мумкин, ҳатто бу ҳол ташвишли ҳам.

Мазкур мақола бизда, ҳақиқатан ҳам, талайгина фикр-мулоҳазалар уйғотди. Шу билан бирга, ўз билганимизча, қадриятларимиз, урф-одатларимиз борасида ўйлаб кўришга ҳам ундади. Турмушда кўрганларимиз, китобларда ўқиганларимиз ва ёши улуғ инсонлардан эшитганларимизга таяниб, миллий турмуш тарзимизга сингиб кетган, халқимизнинг ўзига хос юксак фазилатларини намоён этиб келаётган тандир билан боғлиқ қадриятимиз ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Халқимиз азал-азалдан тандирни муқаддас билган, унинг ён-атрофини тоза сақлаш хонадон обрўси ҳисобланган. Қишлоқ жойларида қиз кўргани келган совчилар, аввало, тандир атрофига назар ташлашган. Озодами, демак, қиз уники. Аксинча бўлса, бу уйдан қут-барака кўчган, тинчлик-тотувлик йўқолган. Шундан бўлса керак, онажонлар, опа-сингилу келинчакларимизнинг саранжом-саришталиги тандир бошидаги озодалик билан белгиланади. Ҳаётнинг паст-баландини кўриб, аччиқ-чучугини татиган момолар қизу невараларига тандир билан боғлиқ барча нарсани: ун, нон, супра, элак, рапида, енгса, ўқловларни эзозлашни алоҳида уқтиришади. Одамлар оилада ҳамжиҳатлик йўқолмаслиги учун улар билан боғлиқ тушларга ҳам одатий ҳолдек қарашмайди. Масалан, синган тандирнинг тушга кириши оиладан барака йўқолишига ишорадир. Хусусан, Қашқадарё вилоятида қошига билмай ўсма қўйган ўғил бола тақдирида нохушлик бўлади, деб ҳисоблашади. Бунинг олдини олиш учун эса ўша боланинг боши тандирга уч марта тиқиб олинади. Гўё бу билан унинг кейинги ҳаётидаги хавф бартараф қилинади.

"Авесто"да ҳам тандирнинг халқ ҳаётидаги беқиёс ўрни таъкидланган: деҳқон уруғни ерга сочганда, девлар безовта бўлади; у пишиб етилганда, девлар фарёд қилади; дон янчилиб, ундан хамир қилиниб, тандирга ёпилганда эса девлар жон таслим қилармиш.

Тандир болалар фолклорида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, халқимиз унинг воситасида болалар онгига эзгу фикрларни сингдиришга ҳаракат қилган. Масалан, эртаклардан бири("Эгри ва Тўғри")да шундай ҳикоя қилинади. Маълум сабабларга кўра, тандирга тушиб қолган Тўғри бедаво касаллик сирини билиб олади ва бунинг натижасида бахтини топади. Ҳасадгўй Эгрини эса, худди шу тандир бағрига сиғдирмайди ҳамда унинг ҳалокатига сабаб бўлади.

Халқ орасида шундай ривоят ҳам борки, унда тандир ватаннинг ҳақиқий нажоткори сифатида тасвирланади.

"Жаҳонгашта баҳодир Искандар Мақдуний бутун дунёни фатҳ этиб, навбат Турон заминга етганида диёрнинг жон томири бўлган Жайхун(Амударё)ни кечиб ўтади. Иккита вилоятга дуч келади. Ишнинг кўзини билган саркарда айғоқчиларни вилоятларга юборар экан, дейди:

— Боринглар, уларни синчиклаб ўрганинглар. Тандирларига алоҳида эътибор бериб қайтинглар.

Айғоқчилар қайтиб келгач, биринчиси султонга:

— Бозорлари тўкин-сочин, одамлари яхши кийинган... Тупроқ кўчаларидан юрарсиз, ҳар бир уйда битта тандирга кўзингиз тушади, — дейди. Шунда иккинчиси:

— Мен борган вилоят одамлари содда, хушмуомала. Улар отларда юришади. Ҳар бир ҳовли бўсағасига кумуш тақа қоқилган. Лекин ҳар беш-ўнта уйга битта тандир тўғри келар экан, — дейди.

Искандар ўйлаб ўтирмасдан от жиловини биринчи вилоят томон буриб, айғоқчига дейди:

— Қани, йўл бошла.

Бўсағалардаги кумуш тақаларга кўз тиккан вазирлар йўл ярмига етганида сўз қотишди:

— Шоҳим, шунча бойликлар қолиб, не сабаб бу вилоятга юриш бошладик?

Искандар истеҳзо аралаш жавоб берди:

— Нодон вазир, англамадингми: у юрт кишилари нима учун бой? Аҳиллигидан. Ҳар беш-ўн уй ризқи бир тандирдан чиқади. Кўриниб турибдики, битта тандир сонсаноқсиз қўшиндан кўра қудратлироқ".

Бугунги кунга қадар тандир халқимиз меросининг ажралмас қисмига айланган. Асрлар давомида аждодларимиз унга алоҳида эътибор билан қараган. Шонли аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга ўринаётган биз ёшлар ҳам анъанаю қадриятларимизга беэътибор бўлмайлик!

Акмал ЖУМАМУРОТОВ,
Фарҳод УМАРОВ,
ЎзМУ журналистика факултети талабалари

ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бадиий наср кенгашида таниқли адабиётшунос олим ва адиб Пирмат Шермуҳамедовнинг буюк қомусий алломамиз Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган "Даҳонинг ҳаёти" маърифий асари кўлёзмаси муҳокама қилинди. Йиғилишни Бадиий наср кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бошқарди.

— Мазкур асар Пирмат Шермуҳамедовнинг бадиият ва ҳужжат омухталигида яратган тўртинчи асари, — деди таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев муҳокамани бошлаб берар экан. — Аввалроқ у адиб сифатида қалам тебратиб, Муҳаммад Хоразмий, Хоразм маликаси, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегим ҳақида бадиа-қиссалар ёзган эди. Мазкур асарда тарихий ҳужжатларнинг илмий таҳлили билан бир қаторда бадиий тўқимадан ҳам унумли фойдаланилган. Асарнинг тили содда ва бугунги ўқувчига осон тушунилади.

Адабиётшунос олимлар Маҳкам Маҳмудов Сафо Матжонов, Адҳамбек Алимбеков, Маҳмуд Сатторов, Қурдош Қаҳрамонов, Тоҳир Шермуродов, Маҳмуд Йўлдошев, нашриёт муҳаррири, ёзувчи Орзиқул Эргашевлар мазкур илмий-бадиий асарнинг фазилатлари ва айрим жузъий нуқсонларини аниқ мисоллар билан кўрсатиб бердилар.

ГУЛ ТЎКИЛДИ — БЎЙИ ҚОЛДИ...

Ёднома

Адабиётшунос олима Машҳура Султонова билан узоқ йиллар мобайнида яқин дўст бўлганимдан ғоят фахрланаман. У ниҳоят даражада сахийдил, гўзал муомалали, ҳазил-мутойибага мойил, илмда фидойи эди. Учрашганимизда суҳбат мавзулари кенг кўламли бўларди. Ҳамма китобларини маънодор ва чиройли бахшидалар ёзиб тақдим этарди.

Машҳуранинг Абдулла Қаҳҳор услубига оид тадқиқоти жуда яхши қабул қилинганди. Н.В.Владимирова билан ҳамкорликда ёзган ўзбек ҳикоячилиги ҳақидаги китобларига ёзилган тақризлар барчага маъқул бўлганди.

Мен Машҳуранинг Зулфиябегим ҳақидаги изланишлари қаршисида лол қолиб, таъсирланиб Шарқ мумтоз шеъриятидаги шоирлар фаолиятини ўрганишга киришгандим.

Машҳура шеъриятнинг юрак садоси, юрак нидоси эканлигини чуқур идрок этарди. Чиндан ҳам шоиралар шеърияти ғоят нафис, айни чоғда, туғёнли ҳиссиётлар оламидир. Ҳар бир шоирада бу тушунчаларнинг ранги бошқача, оҳанги бўлакча, жило ва жозибаси бошқача. Шоираларнинг тимсоллари ўзгача, муҳаббат изҳори, адолати ўзгача, изтиробнинг, дарднинг, аламнинг доғи бўлакча, ҳайрат, ўкинч армонлар баёни ўзгача...

Машҳура билан Зулфиябегим шеърларини қайта-қайта ўқир эдик. Шоиранинг халқаро мавзулардаги, ўз ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақидаги шеърлари ўзига хослиги ва аёл қалами билан битилгани кўриниб турарди. Бир куни Машҳура Зулфиянинг Ҳамид Олимжонга муҳаббати ва ҳижрон аламларидан сўз очди. Бу туркумдаги шеърлар ҳақида таъсирли фикрлари билан ўртоқлашдик.

Машҳура ўз тадқиқотида Қайсин Қулиевнинг "Бир вақтлар бошингга тушган мусибат ва йиллаб сўнмаган дарднинг зиёси, менингча, бугун ва абадул-абад эрур ҳаётингнинг меҳригиёси", — деган эътирофини келтиради. Дўстим Зулфия ҳақидаги рисоласини тугаллашдим олдин: "Зулфия" портретини яратган таниқли Чингиз Аҳмаров билан учрашсам, баъзи саволларига жавоб бераман деб, шоир асарларини қайта-қайта мутолаа қилиши, ўша давр миниатюраларини қайта-қайта кўздан кечиргани, шундан кейингина Навоий номидаги метро бекати учун расмлар яратганини айтди.

Мавзу Зулфияхонимга кўчди. Чингиз оға энди бошқача ҳис-ҳаяжон гирдобига тушгандек бўлдилар. Шоира қиёфасида ҳар бир чизги ҳақида кўп ўйлаганлари, қайта-қайта қўлларига мўйқалам олганлари... — Чингиз оғанинг кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлади, овозлари ўзгарди... Машҳура ёзишга тайёрланаётган эди... энди суҳбатимиз давом этмаслигини сезиб, рухсат сўрадик...

Машҳура "Зулфия" китобида: "Чингиз Аҳмаров сизнинг расмингизни чизган. Шу ҳақда қандай фикрдасиз?" — дея берган саволига Зулфиянинг жавобини келтиради: "Мен Чингиз Аҳмаров ижодининг мухлисляриданман. Мусаввирнинг Шарқ аёллари образларини яратишга бағишланган полотнолари менга маъқул... Ўзбек аёлларининг мусаввир расмларида тасвирланган кўзлари, қадди-бастлари, либослари нозик қалбларидан, дид, фаросат ва назокатларидан дарак бериб туради. Рассом орзулари ушалмаган, қалблари ҳасрат ва армон билан тўла аёллар нигоҳларигача айрича эътибор беради. Уларга чўккан мунг ва теранликни жуда яхши ифодалайди".

Чингиз оға иккаламизга ўз албомларини дастхат бахшида ёзиб, тақдим этдилар. Хайрлашиб чиқдик. Машҳурада мажол қолмагандек туюлди. Ҳовли четидаги ўриндиққа ўтирдик, узоқ вақт сўзлашмадик. Ҳар биримизда ўз ўйларимиз, ўз таассуротимиз... Машҳура бу учрашув ҳақида алоҳида мақола ёзишни ният қилди...

Адабиётда ҳазил-мутойиба, фараҳли ё истеҳзоли суҳбатлар тез-тез бўлиб туради. Институтимизда турли шаҳарлар, зиёратгоҳларга сафарлар уюштириб туриларди. Бир йили Қўқонга сафар қилдик. Сафар олдидан шаҳардаги кўҳна ёдгорликларга доир маълумотлар, Қўқон адабий муҳитига оид адабиёт, шоирлар ҳаёти билан танишдик. Машҳура Муқимий, мен Фурқат ҳақида ўқидик.

Муқимий ҳужраси ва уй-музейига бордик. Ғоят нуроний бир кекса — музей директори, Муқимий авлодларидан дейишди, — кутиб олдилар. Давра бўлиб ўтирдик. Одатимизга кўра, ҳар биримиздан фарзандлар, умр йўлдошлар саломатлигини сўрай бошладилар. Жавобимизни эшитиб, дуо қилдилар. Гал Машҳурага етгач, "Хўжайиниз..." дейишлари билан Машҳура ерга қараб: "Ўтганлар", — деди. У киши юзларига фотиҳа тортдилар ва жуда чиройли овозда Қуръон тиловат қила бошладилар. Ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизга тушиб, ҳангу манг бўлиб қолдик...

Машҳура дўстимиз турмушга чиқмаган эди. Музейдан анча йироқлашгач, кулгимизни босолмадик.

Академик Азиз Қаюмов Машҳура Султонова Украинага Тарас Шевченконинг юбилейига делегат бўлиб боргани, буюк украин шоирининг Ўзбекистонда ўрганилиши ва асарларининг ўзбек тилига таржималари ҳақида маъруза қилгани, шоирнинг "Васият" шеърини чиройли қилиб ўқиб берганида гулдурос қарсаклар бўлганини, дугонам ҳақида сўз кетганда, мароқланиб, айтиб бердилар.

Дўстимнинг бир насиҳати ҳамон қулоғимда. Мени бир ташкилот раҳбарлигига ишга қўйишмоқчи бўлишди. Мен рози бўлмадим. Бу ҳақда Машҳурага айтдим. У: "Тўғри қилибсан. Шу институт, шу бўлимдан яхши жойни мен тасаввур қила олмайман. Сен коллектив бажариши керак бўлган ишдан ҳеч қачон четда қолмасликка интил", — деди.

Мумтоз адабиётимиз тарихини ёзишга киришаётган эдик. 5 жилд ўзбек тилида, 2 жилд рус тилида китобларимиз нашр қилинди. Бир гуруҳ муаллифлар Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдик.

Машҳура ҳам илгарирок Ойбек кўптомлигини тайёрловчилар қаторида бўлгани учун мазкур мукофотни олган эди. У бир неча йил "Саодат" журналида ҳайъат аъзоси бўлганди. Зулфияхоним билан яқин бўлишимиз Машҳура туфайли эди.

Мен дугонамнинг охирги дамлари — ҳаётдан кўз юмишида у касалхона реанимациясида, мен пастда эдим. Врачлар деразадан имо қилиб нафас тўхтаганини айтишди. Начора. Ҳаётнинг шуъбадабозлиги бениҳоя экан...

Суйима ҒАНИЕВА



Қадимий қаср залидаги стол атрофида, асосан, Франция флоти зобитларидан иборат ҳарбийлар давра қуриб ўтиришарди. Меҳмонлардан биттаси, кўринишидан инглиз, фуқаро кийимида эди. Сон-саноқсиз қадаҳлар бўшатилиб, тилларга эрк берилгач, суҳбат энди қуюшқондан чиқа бошлади. Айниқса, ўттиз ёшлардаги навқирон француз бошқа зобитлардан ажралиб турарди. Унинг ташқи кўриниши — кўз ва сочлари, кескин ҳаракатлари таъсирчанлигидан далолат берса, пешонасидаги чандиғи бу жасур инсон кўпгина хатарли, фавқулодда ҳолатларни бошидан кечирганидан гувоҳлик берарди. Йигитнинг исми шарифи Жозеф-Этъен де Сюрвиль бўлиб, ўзи маркиз, ўн олти ёшидан қирол хизматига кирган, Корсикадаги жангда ҳам қатнашган эди. Америкалик исёнкорларга ҳамдардлик ҳисси ғолиб келгач, Лафайет билан бирга океанни кечиб ўтиб, инглизларга қарши ҳам курашган. Ўшандан буён у британияликлардан қаттиқ нафратланарди. Бу нафрат ҳисси океан ортидан қайтиб келганидан сўнг ҳам сўнмади. Бу ҳақда ҳар сафар қулай фурсат келганда эслаб ўтишни хуш кўрарди у.

Мана ҳозир ҳам йигитнинг тажовузкорлиги тутар, сабаби, ёнидаги даврадоши жуда жиғига тегаётганди. Шу инглиз қурғур ҳам эшитсин, деган маъноda Сюрвиль инглиз адмирали Родни ўз жангчиларининг довюрак бўлиши учун қандай йўл тутгани тўғрисида шанғиллаб сўзлай кетди. Унинг айтишича, адмирал жанг олдидан уларни шу даражада маст қиларканки, французлар

Роман БЕЛОУСОВ

ШОИРА ЖУМБОҒИ

ёхуд шеърият тарихидаги бир қалбакилик хусусида

асирларни кемага ифлос кийим бўғчаларидай тортиб чиқаришаркан. Гуррос кулги бутун зални ларзага келтирди. Ҳамма нигоҳини инглизга қадади. Шундай нигоҳ эгаларидан бирининг бу киноя ҳикояни оқибатсиз қолдирмасликка аҳд қилгани авзойидан шундоққина сезилиб турарди.

Дуэл зўр бўлди. Аслаҳа-анжомлар билан тўла-тўкис қуролланган ҳолда солишишга қарор қилдилар. Ҳамма қурол-аслаҳа шу ернинг ўзида, залда тахт экан. Темир ниқоблар билан зирҳланган рақиблар қилич ялангочлашди. Жанг томонларнинг учқун чақнаган қарс-қурс зарбалари остида беаёв ўтди. Вақти-вақти билан шундай даҳшатли ҳолатлар юз берардики, дуэлчилардан бири ҳозир жонсиз қулаб, асфалософилинга жўнайди, деган фикрга ҳам боришарди. Лекин, хайрият, жанг ҳеч қандай талофатсиз якун топди. Ҳозиргина ашаддий душман бўлган рақиблар пачоқ ниқобларини ечмаган ҳолда, юзу кўзлари кўкарган, ёрилган бир алфозда, аммо ҳеч бир хатарли жароҳатсиз олишувни тўхтатиб, ўзлари сулҳни базми жамшид билан нишонлашга тутиндилар.

Кечки тамадди чоғи Сюрвиль бир неча шеър ҳам ўқиб қолди. Бу шеърлар кимга тааллуқли — мабодо муаллиф каминанинг ўзлари эмасми, деган саволга маркиз негадир жавоб қилмади. Бирodарлари унинг шоирликка киши билмас иштиёқи устидан ҳазил-мутойиба ҳам қилиб қўйишади. Маркизнинг бу соҳага лаёқатидан бохабар эдилар. Шу боисдан, унинг машқларини эътиборга арзийдиган нарсалар, деб ҳисоблашмасди. Сюрвил ҳозиргина ўқиган шеърлар эса, назмнинг анча юксак намуналари эди.

Наҳотки мана шу ажойиб, дурдона ашъорларнинг ижодкори маркиз де Сюрвилнинг ўзгинаси бўлса? Қадрдонларнинг қўярда-қўймай беравергan саволлари яхшигина ширакайф маркизни сирқи, бошқа ҳеч кимга ошкор этмаслик шарти билан, очишга мажбур этади. У бебаҳо хазинага эга эканини тан олди. Ҳамсуҳбатлари: ҳозир маркиз қароқчилар бир дунё бойликни яширган ғор ҳақида кўпириб ҳикоя қилади, деб кутишганди. Бундай бўлиб чиқмади. Билсалар, Сюрвиль ҳеч қандай бойликлар дафинасига эмас, қимматбаҳо шеърият хазинасига эга экан. Янаям аниқроғи, йигитнинг қўлида XV аср шоираси ҳисобланмиш катта момоси Клотильда де Сюрвилнинг шеърий қўлёзмалари сақланаркан. Маркизнинг айтишича, ҳозирги вақтда у шу қўлёзмаларни қайта ўқиб, кўчириш билан банд эмиш. Сюрвилнинг сўзларига ишонилса, ўрта асрда яшаб ўтган шоиранинг шеърий меросини нашр этиш адабий ҳаётда катта шов-шувга сабаб бўлармиш. Йигит бу масъулиятли ишни оила олдидаги муқаддас бурч деб билиб, уни бажаришга ўзини буткул бағишламоқчи экан...

Таассуф, Сюрвилнинг режалари амалга ошмади. Инқилоб халқит берди. Шоиранинг авлоди бўлмиш бу йигит "миллий тиғ" бошини танидан жудо қилишини кутиб ўтирмай, 1791 йили Франциядан жўнаб қолди.

Йўлда бир ҳодиса рўй бермаганида, балки маркизнинг қочиши муваффақиятли чиқиши мумкин эди. У кетаётган извош Ардош деган ўрамга етиб борганида, ўрмонзордан бир тўда отлиқ югуриб чиқиб келди. Булар ашаддий каллакесарлар эди. Ёнидаги қимматбаҳо буюмлар, маркизнинг аслзода оиладан эканини тасдиқлови ҳужжатлар, катта момосининг қўлёзмалари қароқчиларнинг қўлига тушади. Бахтни қарангки, эҳтиёткор Сюрвиль қўлёзмадан нусха кўчириб қўйишга улгурган экан.

Сюрвиль Дюсселдорфда пайдо бўлганида француз оқсуяклари вакилларидан анча-мунчаси тўпланди. Қочоқлар орасида, шунингдек, денгиз флоти лейтенанти Виконт де Вандербург ҳам бор эди. Ўзи ҳам денгиз офицери бўлмиш Сюрвиль у билан дўстлашиб қолди. Маркиз қисматдош бирodарига ўзининг аянчли саргузаштини қайғуриб ошкор этади. Шунингдек, у катта момосининг шеърий меросидан "Беранже де Сюрвилга қасида", "Карл VIII га қироллик таронаси" ва бошқа шеърларини алоҳида тўплам ҳолида, албатта, нашр эттиражагини билдирди.

Давоми олтинчи бетда

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

ВАТАН

Ота,
Сиз тупроқ остида, мен ташқарида,
Сиз шу сокинликдан топгансиз қўним.
Мангулик қўйнида, қаранг, бизларни,
Ажратиб турибди ҳаёт ва ўлим.

Ҳақиқат бу:
Гарчи аччиқ ва оғир,
Руҳсиз бир афтода ўйга толаман.
Йўқ! Сиз чиқолмассиз қаршимга охир —
Ўзим ёнингизга бир кун бораман.

Қисмат ҳеч бир зотга
қилмагай шафқат,
Умр — бамисоли дарахт япроғи.
Оллоҳдан ўтинчим, инсоннинг фақат
Ортидан қолсин бир ёнган чироғи.

Умр — кўзни очиб юмгандай оний,
Руҳ кетар,
Тупроққа топширилар тан.
Фарзандларга инсон ортидан фоний —
Кўҳна бу оламда қолсин бир Ватан.

ЎТИНЧ

Нокаслар дастидан толиқса руҳим,
Кўнглимга ногаҳон етганда озор,
Сенинг йўлларингга тўрт эрур кўзим,
Бўламан бир оғиз тасаллингга зор.
Меҳр-ла боқишинг қалбимга дармон,
Битта ширин сўзинг руҳимга қанот.
Тушкунлик арийди дилдан шу замон,
Яна жозибали туюлар ҳаёт.

Сен мададкор бўлсанг
синмасман зинҳор,
Машаққат тортсам ҳам
буткул толмасман.
Фақат сен етказма кўнглимга озор,
Бир сенинг озоринг кўтароолмасман.

ТАСАЛЛИ

Ҳазил

Турмуш кам-кўстини бут қилиб бўлмас,
Ортиқ зериктирма кўнглимни ғашлаб.
Қачондир, бир куни энг сўнгги нафас,
Ночор, ҳаммасини кетамиз ташлаб.

Ҳеч ким бу дунёга бўлолмас устун,
Умр оқар сувдай ўтиб боради.
Биз бут қилсак ахир
турмуш кам-кўстин,
Унда фарзандларга нима қолади?

Асло юрагингни ўртамасин ғам,
Орзу-ҳавасда бор на бош, на охир.
Бут қилмоқлик учун фарзандларга ҳам
Нимадир қолиши керак-ку, ахир!

* * *

Бунча оғритасан ўксик кўнглимни,
Шундай ҳам дунёга сиғмайди дардим.
Юксак тоғлар рамзи эрур сабримнинг,
Айтган билан жонга оро кирар ким?!

Битта ширин сўздан кўксим бўлар тоғ,
Ранжитсанг — юракка
санчилар игна.
Қўлингдан келмаса кўнглимни олмоқ,
Ўтинчим, беҳуда озор ҳам берма.

* * *

Нохос бир буюминг йўқотиб қўйсанг,
Шунчаки қўл силтаб
кетмассан бефарқ.
Ахтариб кўрасан умидвор, дилтанг,
Беихтиёр ичинг ачиши ҳам ҳақ.

Мен сени эслайман қайғуга ботиб,
Юрагимни оғриқ тиғдай тилади...
Чин дўстни ногаҳон қўйсанг йўқотиб,
Вужудинг ёнса ҳам камлик қилади.

* * *

Ўйласанг ҳаётнинг
мавжуд кам-кўстин,
Аён ҳақиқат бу: ким ҳам билмайди;
Олтинми, нокерак
темирми, дўстим,
Лой чаплангач эса билиб бўлмайди.

Топганинг занг босган темирдир аён,
Балким ноёбликда йўқдир унга тенг.
Унинг нималиги бўлар намоён,
Сирти лой, ғубордан аригандан сўнг.

ШОИР УМРИ

Шоир умри гўё йўнилган қалам,
Ёзаверган сари қисқариб борар.
Қизиқ, ёзган сари адо бўлса ҳам,
Ўзи мазза қилар, ўзи завқ олар.

Одил АБДУРАҲМОН

САБОЛАРҒА АЙТДИМ АЛЛАЛАР

Сен шабнам —
оппоқ тонг бағридан тўкилган санам,
Булоқлар сувини юзингда чайди,
Шуълангдан кўкда ой бўлди ихтиро.

Сен шабнам —
тоғлар бағридаги қизғалдоқ чаман.
Ҳуснингдан яралган тонгларнинг ўзи,
Бизлар-чун Аёл деб аталган дунё.

* * *

Мен ўзингни соғиндим,
соғиндим куйиб-куйиб —
Гоҳ куйиб, гоҳ оғриндим,
суймай деб суйиб-суйиб.

Қошу қабоқларингни
ўйларимга ботирдим,
Отмаган тонгларимни
юзларингда оттирдим.

Кўзларим кўз-кўзланиб,
кўзларингга уйланди.
Юраккинам қурғур-эй,
ўйларингга уланди.

* * *

Шеърим — менинг аламим,
Шеърим — қоши-қаламим.
Шеърим менинг улфатим,
Шеърим гоҳо қулфатим.

Ёзмай десам, не қилай,
Оёғига йиқилай.
Узолмадим орани,
Оқ деёлмай қорани.

Кулгуларим шу шеърда,
Туйғуларим шу шеърда.
Шеърим — ёрим холлари,
Шеърим — лабин боллари.

Шеър сўзимни тугатар,
Шеър ўзимни тугатар.
Чидай қанча жабрга,
Шеърим кўнмас сабрга.

* * *

Фаришгаси қочди одамнинг,
Кечир мени, фаришта дунё.
Ё унутдик бизлар Эгамни,
Охирати яқинлашди ё...

Кенглик эди замини Турон,
Олам унга турарди оғиб.
Хуросонда айтилса азон,
Самарқандга келган нур ёғиб.

Фасодлардан осмон қорайди,
Тупроғига сиғмади беклар.
Алишерга Ҳирот торайди,
Улуғларин ғажиди кеклар.

Андижонга тўкилган ёғду
Насиб этмай кетди шу маҳал.
Шоир руҳин тирнаган қайғу —
Ҳинд юртида қолди Тожмаҳал.

Икки дарё сут берган бағир
Фарзандига тиласа иймон.
Отасини суйганда ахир,
Моваroуннаҳр қоларди омон.

Бўғизларда гуноҳлар ипи,
Тортилишга юз йил дор турди.
Калимага барвақт деб қўпи,
Чўлпонлардай элга ор турди.

Фаришгангни бергин, фаришта,
Фаришталик истиқлолимга.
Кимлар кетиб адашган даштда
Ўзбек бўлиб кирсин қонимга.

* * *

Кел, дунёни тинглаймиз,
Дунё ҳазин қўшиқдир.
Йўқ, дунёни англаймиз,
Кимлар унга ошиқдир.

Илинжларим илинган,
Дунё ўзи бир чаман.
Юрак-бағрим тилинган,
Дунё эмас, биз ёмон...

* * *

Деразамга аллалар айтдим,
Умидланиб майин сабодан.
Хаёллардан кўнгилсиз қайтдим,
Кўнгилларим қилган даъводан.

Кўнгилларга қулф урдим кейин,
Саболарга аллалар айтиб.
Болаликни ўй сурдим кейин,
Ширин-ширин қучоққа қайтиб.

Деразалар алдар одамни...

Дўрмонда ўтган ёш ижодкорлар кенгашида устоз Абдулла Қаҳҳор айтган бир гап эсимдан чиқмайди: "Олдин Пушкин асарларини ўқиб, жуда содда-ку, бунинг нимаси Пушкин, деб ўйлар эдим. Кейин, бир оз киришдим, таржима қилдим, қарасам, ўшанақа содда ёзиш қийин, бу катта маҳорат белгиси экан!"

Бунга қўшимча тариқасида айтиш мумкин. "Сўзга ниҳоятда хасис" адиблардан Чехов мактаб ўқувчиси дафтаридаги "Денгиз бепоён эди" деган ёзувни содда ёзишнинг гўзал намунаси, деб таърифлаб юрган.

Машҳур инглиз ёзувчиси Уилям Сомерсет Моэм асарларини ўқиганимда, шулар ёдимга тушади. Ўн тўққизинчи аср охири, йигирманчи асрда яшаб жаҳон адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган турли адиблар ҳаёти, қисматига назар ташлаб, уларни қиёслайдиган бўлсак, Моэм австриялик Франц Кафкадан ўн йилча бурун дунёга келиб, қирқ йилча кейин дунёдан ўтган, анча фараҳли ва узоқ — 91 йил (1874-1965 йиллар) умр кўрган эди. У "Одамий эҳтиросларини юки", "Театр", "Ой ва чақа" деган романлар, қатор пиесалар, шунингдек "Якун" ва "Нуқтаи назар" деб номланган хотиралар, кузатувлардан иборат китоблар яратди. Лекин Сомерсет Моэм биринчи навбатда ўз "ҳикоялар мактаби" бўлган адибдир. Қисқа ҳажмдаги ҳикояда Моэм эсда қоладиган турфа характерларни акс эттириб, умуминсоний эзгу хислатларни улуғлайди. У ҳаётга муҳаббатли ("Тириклик қудрати бошга тушган барча кулфатлар, кўргиликларни енгишга қодир" деб билган), бағрикенг инсон бўлганлигидан, даҳшатли, фожеа ҳолатларни тасвирлаганда ҳам, қандайдир "енгиллик" сезилади, саҳна ортидан нур таралаётгандек таассурот уйғонади. Моэм суҳбат (диалог)нинг устасидир, баъзан икки оғиз гап-сўзга катта бир воқеа, чигал инсон ҳолатини жойлаштиради. Яна муҳими, ҳали айтганимиз, унинг асарлари илк қарашда шу қадар содда кўринадики, истаган ёзувчи ёза оладигандек! Унга ўхшаган даражада "соддалиги — алдамчи" бошқа ёзувчини учратмадим. Биз Кафка, Кортасар, Борхес сингари Сомерсет Моэмнинг ҳам асар ёзиш маҳоратидан ҳайратланамиз.

Омон МУХТОР





Форестер хонимнинг илк детектив қиссаси "Ахиллес ҳайкали" чоп этилганда у эллик етти ёшни қоралаб қўйган, бир неча асар муаллифи эди. Бироқ шунга қарамай унинг истеъдоди маҳсуллари оддий ўқувчиларгача етиб бормаган, китобларини танқидчилар нуқул мақташса-да, улар сотилмай туриб қолаётганди.

Форестер хоним сиёсатга жуда қизиқар, ҳатто парламент аъзоси бўлиш ҳақида ҳам ўйларди. Фақат номзодини кўрсатадиган партияни танлашда муаммога дуч келарди.

Хонимнинг ҳар шанбада уюштириб турадиган ўтиришларига талабгорлар кўплигига қарамай, фақат саноқли кишиларгина унинг меҳмонлари қаторидан жой олишга мушарраф бўларди.

Бу меҳмондорчиликни бузадиган якка-ю ягона шахс Форестер хонимнинг эри жаноб Алберт Форестер эди. Хонимнинг даврадошлари унга зерикарли одам, деб қарашар, Форестер хоним нима жин уриб бу кимсага турмушга чиққан ўзи, деб бир-бирларидан сўраб туришарди. Алберт Форестерга улар филателист, деб лақаб қўйишган. Сабаби бир сафар қайсидир ёш ёзувчи унинг марка йиғишга қизиқишини айтганди.

Сизга очиғини айтсам, Алберт оддийгина, ўртамиёна тадбиркор эди. Эгнига кийган камзуллари доим оҳори тўкилиб, эскирганга ўхшаб кўринар, ўзи ҳам бошини солиб, маъюс тортиб ўтирар ва ҳеч қачон эшитишга арзигули бирор оғиз гап айтмасди. Лекин Форестер хоним эрига меҳрибон эди. Алберт ёнида ўтирганда унинг устидан қулмоқчи бўлганларни уялтириб қўйишни хоним яхши уддаларди.

Форестер хонимнинг адабий фаолиятида жиддий бурилиш ясаган воқеа у уюштирган энг жонли ўтиришлардан бири якунлай деб қолганда содир бўлди. Меҳмонлар давра қуриб ўтиришар, Форестер хоним эса ўртада. Хоним мароқ билан гапирар, бошқалар ора-сира савол ташлаб унинг маърузасини жон қулоқлари билан тинглаётганди. Бир маҳал қутилмаганда қарсиллаган товуш чиқиб оғир нарса қулагандай бўлди, кейин ташвишли овозлар эшитилди.

— Нима бўлди, Картер? — сўради Форестер хоним хизматкоридан. — Уй қулаяптими?

— Бу янги ошпазнинг қутиси, мэм, — деди хизматкор. — Юк ташувчи қутини олиб кираётиб тушириб юборди. Шунга ошпазнинг жаҳли чиқаяпти.

— Янги ошпаз деганингиз нимаси?

— Миссис Булфинч бугун кундуз кетиб қолди, мэм, — деди хизматкор.

— Жаноб Форестернинг бундан хабари борми? — сўради хоним. Дарвоқе, хўжалик ишларини хонимнинг эри назорат қиларди. — Жаноб Форестер келганда унга гапим борлигини айтинг.

— Жаноб Форестер кетган, мэм, — жавоб қилди хизматкор. — Уни сўрагансизда мана бу хатни бериб қўйишимни буюрганди.

Хизматкор хонадан чиқди ва Форестер хоним хатни очди. Хонимнинг дугоналаридан бири менга: хатни ўқиётган миссис Форестернинг авзойига қараб, ошпазнинг кетиб қолишига йўл қўйгани учун жазоланишдан қўрққан шўрлик Алберт энди ўзини Темза дарёсига ташласа керак, деган хаёлга бордим, деб айтди.

Хатни ўқиб Форестер хоним:

— Оҳ, бу қандай хиёнат!? Қандай даҳшат! — деб чинқириб юборди.

— Нима гап Форестер хоним? — сўради унинг ходими жаноб Симмонс.

— Ўқинг, — деди хоним. — Бир ўқиб кўринг.

Кўзи хиралашиб қолган жаноб Симмонс кўзойнагини тақди ва хатни юзига яқин келтириб ўқиди:

"Азизам,

Булфинч хоним вазиятни ўзгартириш илинжида бу ердан кетишга қарор қилди. Усиз қолишни хоҳламаганим учун мен ҳам кетаяпман. Адабиётдан тўйдим, санъатдан ҳам чарчадим. Булфинч хонимни никоҳ масаласи қизиқтирмайди. Бироқ ажрашмоқчи бўлсанг, у менга турмушга чиқишга рози.

Булфинч хонимнинг ўрнига янги ошпаз ёлладим ва у сенга маъқул бўлади, деб умид қиламан. Булфинч хоним икковимиз Кенингтон Роуд, 411-уй яшаяпмиз.

Алберт"

Оғир сукунатни жаноб Симмонснинг: "Эрингизни ортга қайтаришингиз керак", деган гапи бузди.

— Унинг башарасига қарашни ҳам истамайман! — деди Форестер хоним ҳаммага эшиттириб. Лекин жаноб Симмонс пинагини ҳам бузмай гапини давом эттирди:

— Йигирма йилдан бери сизнинг ходимингизман. Мени қадрдон дўстингиздай кўрасиз. Сизга очиғини айтишим керак, ёзаётган китобларим билан тирикчилик қиламан, деб ўйласангиз янглишасиз.

— Эримни деб ошпаз билан ёқалашмайман-ку, ахир! — деди миссис Форестер фиғони фалакка чиқиб.

— Шуни айтмоқчи бўлиб турувдим ўзи, — деди Симмонс зарда билан. — Машҳур раққосами ёки бирор зодагон аёлнинг сизга тиши ўтмайди-ю, лекин ошпаз дабдалангизни чиқаради.

— Ходимингиз тўғри айтяпти, — деди меҳмонлардан бири. — Филателистни ортга қайтаришингиз керак.

— Эртага бориб, эрингиз билан учрашинг, хўпми? — деди жаноб Симмонс. Форестер хоним бир оз жим турдида, ниҳоят деди:

— Хўп, лекин ўзим учун эмас, ижодим учун!

Эртасига Форестер хоним Кеннингтон Роудга йўл олганида кун яримлаганди. Жаноб Симмонс телефонда манзилни миридан сиригача тушунтиргани боис хоним Алберт яшаётган уйни қийналмай топди. Қўнғироқни босган эди эшикни собиқ ошпази очди.

— Хайрли кун, Булфинч, — деди Форестер хоним. — Хўжайинингни кўрмоқчи эдим.

Миссис Булфинч бир соония анграйиб турди-да, кейин хонимни ичкарига бошлади.

— Кираверинг, мэм, Алберт, сени кўргани Форестер хоним келибди

Хоним тез-тез юриб ичкарига кирди. Алберт камин ёнидаги эскирган ороқкурсига ястаниб кечки газета ўқиётганди.

— Қалайсан, азизам? — деди у газетани бир четга қўяркан, хуш кайфиятда. — Яхши юрибсанми?

— Ўтиринг, мэм, — таклиф қилди стул келтирган Булфинч хоним.

— Алберт, сен билан ёлғиз гаплашсам майлими? — сўради хоним ўтиргач.

— Афсуски бунинг иложи йўқ, — деди Алберт. — Чунки менинг Булфинч хонимдан яширадиган сирим йўқ.

— Ўзинг биласан.

— Хўш, азизам, менда нима гапинг бор эди? — сўради Алберт.

Форестер хоним унга қараб жилмайди.

— Алберт, мен сени бирор нарсада айбламайман. Биламан, бўлиб ўтган воқеада сенинг айбинг йўқ, сендан хафа эмасман. Лекин ҳар қандай ҳазилнинг ҳам чегараси бўлади. Сени уйга олиб кетгани келдим.

— Вақтингни бекорга ўтказяпсан-да, азизам, — деди Алберт. — Энди мени ҳеч нарса сен билан яшашга мажбур қилолмайди.

— Мен билан бахтли эмасмидинг? — сўради Форестер хоним кўнгли озор чекканини сездирмаслик учун паст овозда.

— Азизам, турмуш қурганимизга ўттиз етти йил бўлди. Бу жуда узоқ муддат, тўғрими? Сен, аслида, яхши аёлсан, лекин биз бир-биримизга тўғри келмаймиз. Сен адабиёт деб яшаяпсан, мен эса йўқ. Сен санъатни яхши кўрасан, мен эса унга қизиқмайман.

— Лекин сени санъатга, адабиётга қизиқтириш учун шунча йил қўлимдан келгунча уриндим, — деди миссис Форестер.

— Гапинг тўғри, эътиборсизлигим учун фақат ўзимни айблашим мумкин, холос. Лекин очиғи, сен ёзаётган китоблар менга ёқмайди. Атрофингдаги одамлар ҳам ёқмайди. Сенга битта сирни айтайми, азизам? Сен уюштираётган меҳмондорчиликларингда уст-бошимни ечиб ташлаб, томоша қилгим келади — қани, кейин нима бўларкан, шуни билишни хоҳлайман.

— Уялмайсанми, Алберт? — деди Булфинч хоним. — Бунинг учун келишган қадду қомат бўлиши керак одамда!

— Булфинч хоним ишдан бўшашимни хоҳлаяпти, — гапини давом эттирди Алберт. — Бугун шерикларим билан иш масаласини муҳокама қилдик, ҳамма икир-чикирларни ҳал қилишга рози бўлишди. Улар менинг улушимни сотиб олишади, шунда тўққиз юз фунтга яқин фойда оламан. Уччовимизга йилига уч юз фунтдан тегади.

— Бу пулга мен қандай яшайман? — деди миссис Форестер миясига келган сўнгги баҳонани ишга солиб.

— Ахир, сенинг ўткир қаламинг борку, азизам.

— Китобларимдан бир тийин фойда келмаётганини сен яхши биласан. Ноширлар уларни чиқариб, нуқул зарар кўришаётган экан.

Шу пайт қутилмаганда Булфинч хоним савол берди:

— Детектив асар ёзсангиз бўлмайдими?

Форестер хоним хохолаб кулиб юборди.

— Мен-а?! — хитоб қилди у. — Қандай бемаъни таклиф! Оломоннинг кўнглини олиш ҳақида ҳеч ўйламаганман. Шу ёшга кириб бирор марта детектив китоб ўқимаганман ҳатто.

— Яхши таклиф, — деди Алберт.

— Детектив асарлар менинг жону дилим, — деди миссис Булфинч. — Кутубхонада тунги кўйлакда ўлиб ётган аёл ҳақида ёзинг, мазза қилиб ўқийман.

— Шахсан менга Гайд паркда, қўлида тилла соати бор, ўлдириб кетилган обрўли жентлмен ҳақидаги асар ёқади, — деди Алберт. — Обрўли жентлмен, албатта, китобхонни қизиқтириб қўядиган бирор-бир сабаб туфайли ўлдириладида.

— Нима демоқчилигингни тушуниб турибман, — деди Булфинч хоним. — Ўша жентлмен қандайдир муҳим сирни билган. Қотиллар унга шу сирни айтмасанг ўлдирамиз, дейишган. Жентлмен улардан қочиб қутулолмаган.

— Биз сенга шунга ўхшаш жуда кўп воқеаларни гапириб беришимиз мумкин, азизам, — деди Алберт Форестер хонимга меҳрибонлик билан жилмайиб. — Мен юздан ортиқ детектив китобни ўқиганман.

— Сен-а?

— Миссис Булфинч билан иноқлигимизга ҳам шу китоблар сабаб бўлган. Ўқиб тугатгач, уларни хонимга берардим. Биласанми, бир-бирига ўхшаш иккита детектив китобни тополмайсан. Қиёсласанг бири биридан фарқ қилади.

Форестер хоним ўрнидан турди.

— Орамизда қандай жарлик борлигини энди тушундим, — деди у хиёл титраган овозда. — Ўттиз йилдан бери инглиз адабиётининг энг олди вакиллари даврасида бўлиб, шунча вақт фақат детектив роман ўқигансиз! Кетиб қолганинг сабабини ўзимча ўйлаб, сени уйга қайтариш учун келгандим бу ерга. Энди ниятимдан қайтдим.

— Тўғри қиласан, азизам, — деди Алберт. — Лекин детектив ёзиш ҳақида, албатта, ўйлаб кўргин.

Форестер хоним зинадан пастга тушди. Булфинч эшикни очиб, таксида кетасизми, деб сўраганда, у бош чайқади:

— Трамвайда кетаман.

— Жаноб Форестерга ўзим кўз-қулоқ бўламан, хоним, хавотир олманг, — деди Булфинч Форестер хонимни трамвай бекатига кузатиб бораркан. — Уйга қараш, овқат пишириш қўлимдан келади. Алберт ўзига бирор-бир машғулот топади, албатта. Почта маркаларини йиғиш ҳақида ўйлаётганди.

Форестер хоним нимадир демоқчи бўлди-ю, трамвай келганини кўриб, унга чиқди.

Хоним соат неча бўлганини сўрамоқчи бўлиб қаршисида ўтирган одамга қаради ва сесканиб кетди. Чунки рўпарасида тилла соат таққан обрўли жентелмен ўтирарди. Бу Алберт Гайд паркда ўлиб ётганини гапирган жентелменнинг ўзгинаси эди. Жентелмен ҳайдовчидан трамвайни тўхтатишни сўради ва тушиб тор, қоронғи кўчага кириб кетди. Нега? Нима учун? Гайд парк бекатида хоним кутилмаганда трамвайдан тушишга қарор қилди. У энди бир жойда ўтира олмасди. Яёв юргиси келаётганини ҳис қилаётганди. Ахиллес ҳайкали ёнидан ўтаётганида бир дақиқа тўхтаб уни томоша қилди. Форестер хонимнинг юраги тез ураётганди. Эдгар Алан Подек ёзувчи ҳам детектив романлар ёзган-ку, ахир...

Форестер хоним ниҳоят уйига келиб, эшикни очганида даҳлиздаги бир талай шляпаларга кўзи тушди. Улфатлари жамулжам эди. Хоним меҳмонхонага кирди.

— Оҳ, бечорагиналар, мен сизларни шунча вақт куттириб қўйдимми? — деди у. — Чой ҳам ичмадингларми?

— Хўш? — дейишди меҳмонлар. — Эрингизни олиб келдингизми?

— Азизларим, сизларга ажойиб бир янгилик айтмоқчиман. Мен детектив китоб ёзмоқчиман.

Меҳмонлар оғизларини очганча анқайиб хонимга қараб қолишди.

— Детективни ҳақиқий санъат даражасига кўтармоқчиман. Бу фикр Гайд паркда миямга келиб қолди. Қисса қотиллик ҳақида бўлади. "Ахиллес ҳайкали" деб ном қўяман!

— Алберт нима бўлди? — сўради ёш ёзувчи.

— Алберт? — ҳайрон бўлди миссис Форестер. — Қандайдир иш билан Албертнинг ёнига борганим ёдимда. Лекин нима учун борганимни ҳеч эслолмаяпман.

— Уни кўрдингизми ўзи?

— Айтяпман-ку, азизим. У эсимдан чиқиб кетди.

Форестер хоним кулиб юборди.

— Алберт ошпази билан яшайверсин. Алберт ҳақида бош қотиришга энди вақтим йўқ. Детектив асар ёзмоқчиман.

— Ажойиб аёлсиз-да! — дейишди меҳмонлар.

Инглиз тилидан
Алишер ОТАБОЕВ
таржимаси.

Ҳикоя

Ушбу ҳикоя Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Истеъдодли ижодкор ёшлар маҳоратини ошириш, ОАВ учун малакали кадрлар етказиб бериш орқали уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштириш».

ШАЙХЗОДАХОНЛИК АНЖУМАНЛАРИ

Бошланиши биринчи бетда

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Мақсуд Шайхзода ижодий мактабидан баҳрамандлик, адибнинг ёш ижодкорлар асарларини синчковлик билан кузатиб боргани ҳамда улуғ шоир билан бўлган унутилмас учрашув ва мулоқотлар ҳақида сўзлади. "Ўша йилларда Алишер Навоий кўчасининг бир томонида Ғафур Ғулом ва Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир, Мақсуд Шайхзода, иккинчи тарафида эса Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов ва Олим Хўжаев баробар қадам ташлаб боришар, улар гуркираб ижод қилишар, адабиёт ва санъатнинг бетимсол намуналарини яратишар эди. Ҳаёт ва ўлим, абадият масалалари Шайхзода ижодининг муҳим жиҳатига айланди. Шундай кунларнинг бирида "Турон" кутубхонасида бир учрашув бўлди. Шайхзода домла, Шуҳрат ака ва бошқа адиблар иштирок этган учрашувда мен "Дорбоз" деган шеъримни ўқиб бердим. Афтидан, бу шеър устозга маъқул тушган бўлса керак, қайтар чоғимиз шеър ҳақида яхши гаплар айтиб, шундай қўшимча ҳам қилдилар: "Шеърда шоҳ байт, қайрилма образ бўлиши керак, бугун ўқиган шеърингизда шундай байт, образ бор экан. Буни унутманг. Яна бир гап эҳтиёт бўлиш ҳақида — олқишлар, қарсакларга берилиб, талтайиб кетишдан доим ўзингизни асранг, ўғлим". Бу даҳо шоирнинг невара шоирга меҳрга йўғрилган самимий ўгити эди. Шайхзода домла Дўрмондаги арғувон тагида ўтириб ижод қилган кезларидаги суҳбатларимиз чоғи ҳам бизларни ўз сабоқларидан баҳраманд этарди".

Анжуманда Бокудан келган тадқиқотчи Алмаз Улвий, адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғафуров, Наим Каримов, Суйима Ғаниева, Султонмурод Олим ва бошқалар Мақсуд Шайхзода ижоди ва адабий алоқалар, шоир шеъриятида фалсафий ва публицистик мотивлар, шеърий таржимада ворисийлик ҳамда устознинг навоийшунос олим сифатидаги фаолияти хусусида маъруза қилдилар.

Республика байналмилал марказида озарбойжон маданият марказлари ассоциацияси ҳамда Тошкент шаҳар "Қардошлиқ" маданият маркази ҳамкорлигида ўтказилган тантанали кеча ҳам улуғ шоир ва адиб Мақсуд Шайхзоданинг юз йиллик тўйига бағишланди. Тадбирни Республика байналмилал маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадаев очиб, марказ фаоллари ва анжуманга ташриф буюрган ижодкорларни шайхзодахонлик байрами билан қутлади. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўз сўзида Мақсуд Шайхзода шўроларнинг оғир қатағон йиллари "Султон Жалолиддин" ва "Мирзо Улуғбек" каби ўлмас асарларни ёзиб катта маънавий жасорат кўрсатгани, бу асарлар халқимизнинг нафақат ўз тарихини яхши билиб олиши, шу билан бирга, ўзлигини англашида ҳам муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Шу асарлардан шеърий парчалар айтди ва ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев, Тошкент шаҳар "Қардошлиқ" маданият маркази раҳбари Мобил Мамедов, сухандон Шавкат хоним Гударзи ва бошқалар улуғ шоир, драматург ва олим ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар. Анжуманда Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Тошкент шаҳар "Қардошлиқ" маданият маркази томонидан нашр этилган Мақсуд Шайхзоданинг "Шоир қалбини дунёни тинглар" номли танланган асарлари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Хотира кечасида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари бадиий жамоалари ижросида ўзбек ва озарбайжон куй-қўшиқлари янгради.

“РАССОМ БЎЛСАМ ЭДИ, ЧИЗИБ БЕРАРДИМ...”

Бошланиши биринчи бетда.

Маълумки, 1923 йилнинг ёз ойларида Андижонда “босмачилик ҳаракати”га барҳам бериш мақсадида “Дарҳон” газетаси нашр этилган. Агар бу ҳаракат яна давом этадиган бўлса, нафақат “босмачилар”нинг қирилиб кетиши, балки водий аҳолисининг ҳам жабр чекиши мумкинлигини сезган Чўлпон шу газетада фаолият олиб борган, лекин у шўро давлати билан муроса қилишга мажбур бўлганидан қаттиқ изтироб чеккан.

Агар мазкур шеърнинг 1923 йил кузида, худди шу воқеалардан кейин ёзилганини эътиборга олсак, унда ифодаланган ҳазин ва мунгли руҳнинг асл сабаблари янада равшанлашади.

“Хазон” деб номланган бу шеърдан кейин Чўлпон куз ва қиш лавҳалари тасвирланган яна бир неча шеър ёзди. Шулардан бири “Менинг йўлларимда” деб номланган. Бу шеър лирик қаҳрамон кайфиятининг янгиланганлиги, унда пайдо бўлган некбин ҳолатнинг тасвир этилганлиги билангина эмас, балки, аввало, шеърий шаклнинг ғаройиблиги билан ажралиб туради. Бу ғаройиблик эса, унда истифода этилган такрорлаш усулининг мутлақо янгилиги ва беназирлигидадир.

Шеър бундай бошланади:

Менинг йўлларимда чўзилган тоғлар,
Бирга қўйин очган қатор довонлар...
Кўзларим йўлларга тикилган тоғлар
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар!

Бу сатрларда лирик қаҳрамоннинг тамомила ўзгача руҳий ҳолати ўз аксини топган. Бу ҳолат унинг тоғлар ва довонлар қаршисида турганлиги билан белгиланади. Маълумки, тоғлар ва довонлар инсон хаёлини доимо олиб қочиб, уни олдинда турган йўллар ва сўқмоқлардан олға боришга ундагандек бўлади. Лирик қаҳрамоннинг руҳий оламида кечаётган ана шу ўзгаришга Чўлпон юқоридаги икки сатрни хийла ўзгартириш, қолган икки сатрни айнан такрорлаш ҳамда уларнинг банддаги ўрнини алмаштириш орқали эришади:

Қорга қўйин очган қатор довонлар,
Сизга қараб туриб кучни чоғладим.
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар,
“Юриб ўтаман!” деб белни боғладим!

Кўрамизки, шеърнинг бу бандида “тоғлар-чоғлар” қофияси билан якунланган сатрлар ўзгача кўриниш олган ва шу сатрлар шеърга янги маънони — лирик қаҳрамонда пайдо бўлган истакни — довонларга қараб туриб кучни чоғлаш ва “Юриб ўтаман!”, деб белни боғлаш истагини олиб кирган. Чўлпон шеърнинг сўнгги учинчи бандида ана шу орзу-истакнинг қатъийлашганини тасвирлайди. Ва бунга иккинчи бандга киритилган янги сатрлар билан биринчи бандда “унутилиб қолган” сатрларни ўзаро боғлаш ёрдамида эришади:

Сизга қараб туриб кучни чоғладим,
Менинг йўлларимда чўзилган тоғлар!
“Юриб ўтаман!” деб белни боғладим,
Кўзларим йўлларга тикилган тоғлар...

“Менинг йўлларимда” шеъри жаҳон мумтоз шеъриятининг қонун-қоидалари асосида ҳам фикран, ҳам шаклан қолипланган ҳолда шундай гўзал бир тарзда якунланган.

ХХ АСРДА ЖАҲОН МУМТОЗ АДАБИЁТИдан баҳраманд бўлган ўзбек шоирлари орасида Чўлпон алоҳида ўринни эгаллайди.

1936 йили, А.С.Пушкин вафотининг яқинлашиб келаётган 100 йиллиги арафасида Чўлпон улуғ рус шоирининг “Борис Годунов” драмаси билан бирга “Булбул ва гул” шеърини ўзбек тилига таржима қилди. У шу шеър руҳига кириб, уни ўзбек тилида шундай жаранглатиб юбордики, агар сарлавҳадан кейин “А.С.Пушкиндан” деган изоҳ бўлмаса, унинг ўзга тилдан ўгирилганига ишонмаслиги мумкин. Бу ҳол қисман Пушкиннинг ўз шеърини форс шеърияти таъсирида ва форс шоирларига татуббу тарзида ёзганлиги билан изоҳланса, асосан, Чўлпоннинг таржимага ғоят ижодий ёндашгани билан изоҳланади. Зеро, у мазкур таржимага, В.Жуковский айтганидек, таржима қилинаётган шоирнинг сояси эмас, балки рақиби бўлиб қўл урди.

Аслият Пушкин тушунчасидаги ғазал шаклида бўлиб, бундай “байт” билан бошланган:

В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,
Поет над розою восточный соловей...

Чўлпон *аабб* шаклида қофияланган ва 12-14 ҳижоли сатрлардан иборат бу шеърни арузнинг фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун қолипидаги 16 ҳижоли баҳрида таржима қилган. Юқоридаги “байт” эса бундай “ўзбекона қиёфа” касб этган:



Баҳор чоғида холи боғда
бир зулматли тун эрди,
Ғариб булбул фиғон айлаб,
“Гулим, раҳм айлагил”, дерди...

Чўлпон аслиятдаги “Шарқ булбули”ни “ғариб булбул” деб, унинг гул узра ёниб куйлаётган ҳолатини эса, “Гулим, раҳм айлагил” дерди”, дея эркин таржима қилиш билан Пушкин шеърининг руҳи ва мазмунига заррача ҳам шикаст келтирмаган. Аксинча, асар руҳи ва ғоясидан келиб чиққан ҳолда уларни ўзбекона ифодалар билан қайта бадиий мужассамлаштиришга, айниқса, шеърнинг мусиқий ифодасини, эстетик таъсир кучини беҳад даражада кучайтиришга эришган.

Шеърнинг кейинги “байт”и Чўлпон таржимасида бундай кўриниш олган:

Бироқ ул гул қулоқ солмас эди
фарёду афғона,
Фақат ором оларди ноладин
тўлғона-тўлғона...

Миртемир Чўлпон таржимасидаги бу шеърнинг, айниқса, “фарёду афғона” – “тўлғона-тўлғона” сўзлари, тунги мушак сингари, ранг-баранг жилолар таратган сатрларини жўшиб ўқир, ҳақиқий шеърий таржима шундай порлоқ миллий бўёқлар билан товланиши лозимлигини айтар ва ўзи ҳам Чўлпон анъаналарини муносиб давом эттиришга интилар эди. Чиндан ҳам, Чўлпон юқоридаги сатрларни сермазмун ва сермавж сўзлар билан якунлаб, сатрларни шундай ўйнатиб юборганки, уларни ўқиган киши дилининг дафъатан яшнаб кетиши шубҳасиздир.

Аслиятнинг кейинги “байт”ларида Пушкин, кутилмаганда, булбул ва гул мавзуидан шоир ва гўзаллик мавзуига кўчиб, шоирни булбул янглиғ гул ишқида куйиб-ёнмасликка ундаб, ёзади:

...Она не слушает, не чувствует поэта;
Глядишь, она цветет; взываешь —
нет ответа.

Ана шу кўчим Чўлпон таржимасида ўзининг бундай гўзал ва самимий ифодасини топган:

Сени ҳеч севмаган бир гул учун,
эй шоирим, сен ҳам
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан
тинмайин бир дам.

Қўй энди, беҳуда дод этма,
оҳинг унга етмайди,
Қарайсан, яшнаган бир гул,
фақат додингга етмайди.

Агар Пушкиннинг Шоирга мурожаатида унинг ўксик ҳолатига нисбатан бирор хайрихоҳлик белгиси сезилмаса, Чўлпон таржимасида худди шу нарса — севгиси писанд қилинмаган Шоирга нисбатан ачиниш туйғуси мавжланиб туради. Агар бу шеърдаги Шоир Пушкин давридаги қандайдир умумлашган ва мавҳум бир шоирнинг образи бўлса, таржимадаги Шоир бу — шўролар томонидан рад этилган, ҳатто қамалиш ва отилиш арафасида яшаётган Чўлпоннинг айни ўзидир. Шунинг учун ҳам таржимада қайғули руҳ, ёниб-ўртаниш ва изтироб оҳанглари устуворлик қилади.

Ўз замонига сиғмаган ва ҳатто шу замон томонидан рад этилган шоир шеърларидаги ҳазин ва мунгли оҳанглар шу даврда яшаган халқнинг ҳам дарду ҳасратларини ўзида мужассамлантирган. Шунинг учун Чўлпон халққа яқин, халқ орзу-умидлари ва дарду ҳасратларининг том маънодаги ифодачиси бўлган. Аммо бу ҳол халқ дарди бўртиб турган барча шеърларнинг Чўлпонга нисбат берилиши мумкинлигини англатмайди.

ФАОЛ ВА ИЗЛАНУВЧАН АДАБИЁТШУНОС Баҳодир Карим “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 3 октябр сонида эълон қилинган “Абадий тирик овоз” номли мақоласида шоир ижодини ўрганиш, номаълум асарларини излаб топиш бардавом жараён эканлигини тўғри қайд этган ва Чўлпоннинг мутахассисларга-да нотаниш бўлган шеърлари ҳақида сўзлаб, улардан айрим лавҳалар келтирган. “Чўлпоннинг ҳозирга қадар шеърсевар одамлар қувваи ҳофизаси боис, — деб ёзади олим мазкур мақоласида, — оғзаки равишда бизгача етиб келган, бирор расмий нашрларда эълон этилмаган, балки ўз вақтида оммавийлаштириш таҳликали бўлган шеърлари ҳам бор экан”. Баҳодир Карим “ҳамма баравариг а “чўлпонизм оғуси” билан курашаётган, миллатпарвар зиёлиларга, чўлпонлар авлодига ўлим тиланаётган бир муҳитда ёзилган, фақат хос даврлардагина, яширинча кўчирилиб қўлма-қўл ўқилган” шундай шеърлардан бирини муштарийларга қуйидаги сўзлар билан тақдим қилади:

“Қалби изтиробларга тўлган шоир вақти келиб, ўзига ўлим тилаб юрган душманларига қарата:

Мани ўлсин деган ўлсин,
Балога мубтало бўлсин,
Қўлига косасин олиб,
Кўчаларда гадо бўлсин —

тарзидаги қарғиш мазмунли шеърлар ҳам ёзади”.

Баҳодир Каримдек билимдон олимнинг Чўлпон шеърий оламига мутлақо алоқасиз бу сатрларда буюк шоир муҳрини кўрганига ажабланасан киши. Юқоридаги сатрларни ўқиган кишида уларнинг аёл киши оғзидан ёзиб олинганлиги шундоққина сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам биз атоқли фолклоршунос олима Музайяна Алавия томонидан нашрга тайёрланган китобларни варақлаганимизда шу шеърий парчанинг асл нусхасини “Оқ олма, қизил олма” тўпламидан (Тошкент,1972, 68-бет) осонгина топдик.

Мени ўлсин деган ўлсин,
Балога мубтало бўлсин,
Қўлига косасин ушлаб,
Кўчаларда гадо юрсин.

Кўрамизки, бу парчадаги учинчи сатр жарроҳ Миржалол Жамилов оғзидан ёзиб олинган сатрга қараганда мантиқий асосга эга.

Миржалол Жамиловдан ёзиб олинган “Мен букун кўксимдаги Дардим баён этсаммикин?..” сатрлари билан бошланган уч бандли шеърнинг халқ ижодига мансублиги ҳам шубҳа уйғотмайди. Бу сатрларнинг мазмун-моҳияти ва мусиқий оҳангида ҳам аёл қалбининг ноналари кўкка ўрлаб туради. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хазинасида бу шеърнинг бир неча нусхалари мавжуд бўлиб, улардан бири қуйидаги кўринишга эга:

Ёридан айрилган йигитнинг
Ёри мен бўлсаммикин?
Қўлига қирғий олиб,
Кўксида жон берсаммикин?..

(Ўша тўплам, 135-бет.)

Ўйлаймизки, бу халқ қўшиғининг бошқа нусхаларидан мисол келтиришга ҳожат йўқ. Зеро, мақолада келтирилган шеърнинг қуйидаги сўнгги бандининг ўзиёқ унинг Чўлпонга мутлақо алоқасиз эканлигини тасдиқлаб туради:

Қип-қизил лола янглиғ
Қонга бўялмишдир таним.
Тоғу саҳроларга бориб,
Анда макон тутсаммикин?

Бундай сатрлар турмуш азобларидан куйиб ёнган аёллар қалбидангина отилиб чиққан бўлиши шубҳасиз.

Гарчанд “ўтли ёш”, “мажнун хаёллар”, “кўнгил сири” сингари “Чўлпон услубига хос ифодалар мўл бўлган“ (Б.Карим) “Сўрма, ўрток, кўзларимдан ўтли ёш қайнашганин...” сатрлари билан бошланган шеър ҳам муниса ўзбек аёлларининг изҳори диллари.

Мақолада айтилишича, Миржамол Жамиловнинг марҳум отаси Мирбилол Жамилов уруш арафасида Тошкент педагогика институтида Шуҳрат, Зафар Диёр сингари шоирлар билан бирга ўқийди ва шу даврда адабиётга катта ихлос билан яшайди. “Айниқса, — деб ёзади мақола муаллифи, — талабалик йилларида Чўлпонлар даврасига бориб ёд олган шеърларини фарзандларига ҳам айтиб беради”.

Мақола муаллифида юқоридаги шеърларнинг Чўлпонга мансублигини асословчи бошқа бирор далил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, Чўлпон турли суҳбат ва гаплашмаларда фақат ўз шеърларинигина эмас, балки бошқа шоирларнинг ўзига манзур бўлган асарларини ҳам иштиёқ билан ўқиган. Аммо айрим замондошлар Чўлпондан эшитган шундай асарларни биз, авлодларга унинг ўз асарлари сифатида тақдим этиб келдилар. Ҳатто Чўлпоннинг синглиси Фоиқа ая ҳам Сўфизоданинг “Сабо, Ленинни уйғотгин, Ўзбекистондан хабар олсун, Тушунмай қўл кўтарган ишчи-деҳқонлар хабар олсун”, деган сатрларини акасидан эшитгани туфайли унинг шеъри, дея айтиб юрган. Натижада шу сатрлар буюк шоирнинг уч жилдлик (учинчи жилди чоп этилмаган) “Танланган асарлар”ига кириб қолган.

Чўлпон буюк истеъдод эгаси эди. У нафақат табиатнинг рангин манзаралари, балки инсон руҳининг ҳар қандай жилваларини ҳам акс эттиришга қодир шоир эди. Аммо у азбаройи камтарлиги туфайли аксар кишиларнинг табиатдаги, ҳаётдаги гўзалликни кўра олмасликларидан ва бу гўзалликни тасвирлаши маҳоллигидан афсусланиб, бундай ёзган эди:

...Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим.
Ўхшаш нусха билан ёзиб берардим,
Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?..

Йўқ, Чўлпон табиатдаги ва инсоннинг руҳий оламидаги беназир гўзалликни Ёниқ Сўз ёрдамида рассомдек маҳорат билан тасвирлаб берган.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

СЕН ҲАЁТНИ СЕВАРДИНГ!

Шукур Холмирзаев билан... кўнгилда кечган суҳбат



“...Сен сувда сузиб кетдинг... Сен ўз эртагингдаги балиқ каби сузардинг, бўталоғим. Биласанми, сен ҳеч қачон балиққа айланиб қололмайсан...

Сен оқиб кетдинг.

Энди шуни айтишим керакки, сенинг гўдак қалбинг нимани хушламаган бўлса, ҳаммасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби ҳаёт кечирдинг. Чақмоқларни само чақади. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Инсондаги гўдаклик виждони худди уруғдаги илк куртакнинг ўзгинаси, куртаксиз уруғ униб чиқмайди. Биз оламга келмасдан илгариёқ, токи туғилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат тантана қилиб келмоқда...”

Бу узуқ-юлуқ кўчирмани мен Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасидан олганимни сезиб ётибсан, Шукур!

Аммо сен нега бу қадар шошдинг? Тўғри, умринг Мўмин чолнинг набирасиникидай бир чақнаб сўнган яшинга ўхшамади. Сен 65 йил яшадинг. Лекин абадият олдида бу умр нима деган гап! Ҳаётни севардинг-ку. Фақат бу дунёни ва одамларни бошқачароқ кўришни орзу қилардинг. Дарвоқе, болакай ҳам шуни истамаганмиди?

Ҳа, сен ҳаётни севардинг!

Ёдингдами, мана шундай куз кунларининг бирида бизни — Учқун, Ўткир ва каминани Бойсунга олиб борган эдинг. Биз Деҳқонобод орқали ўнқир-чўнқир тоғ йўлидан узоқ юрдик. Бир маҳал ҳайдовчига, тўхтанг, дединг. Машинадан тушдик. “Ана, Бойсун!” — дединг. Биз тепада, тоғ ёнбағрини тилиб келган йўл устида турардик. Қуйида эса аланга ловулларди. Алангаки, тасвирлашга дармон йўқ. Бараварига фаҳмладик: куз чароғбони минглаб дарахтларнинг миллион-миллион япроқларига “гугурт” чақиб юборган экан...

Бойсунда уч кун меҳмон бўлдик. Бизни шу ерлик дўстларинг билан таништирдинг, милтиқни елкага илиб, каклик овига олиб чиқдинг, ҳозир мен номини эслолмайдиган ажойиб-ғаройиб қишлоқларга бошлаб бординг...

Ҳаммамиз ёш эдик, бахтиёр эдик. Сен ҳар қадамда ўзинг ёқтирган ва сенга умрбод ҳамроҳ бўлган “Ёлғиз” куйини хиргойи қилардинг. Биз сенга жўр бўлардик. Аммо ўхшатолмасдик... кейин ҳам ўхшатолмадик.

Мана, шунга ҳам қарийб 45 йил бўпти.

Шунча давр мобайнида юртимизнинг иккаламиз бормаган бирор гўшаси қолдими, биз гаплашмаган бирор гап қолдими?! Гурунгимиз, асосан, адабиёт атрофида бўларди.

Шоирлар ёр қўйида шаъмдек ёнишади, сен эса адабиёт ғамида ёндинг, чунки сенинг ёринг — адабиёт эди-да!

Эҳ, Шукур, Шукур! “Сен тоғда ўсгансан, чайирсан, узоқ яшайсан”, деган гапни кўп такрорлардим. Башоратим ўнгидан келмади. Начора, тақдирга тадбир йўқ экан.

Мўмин чолнинг набираси одамзодга сабоқ бериб кетди. Сен ҳам ўз асарларинг орқали бугунги ва келгуси авлодга ҳали кўп сабоқ берасан.

Сен тупроқ устига дабдабали қошоналар қурмадинг. Сен минглаб китобхонларинг қалбига мусодара қилиб бўлмайдиган нурафшон қасрлар қуриб кетдинг.

Менинг ҳам қувончиму овунчим шунда-да!

Биламан, чарчаган эдинг. Энди... сўнгги манзилингда ором топ, азиз дўстим.

Низом КОМИЛ

2008 йил 16 ноябр

ҚЎШИҚ КАБИ ЁҚИМЛИ

ёхуд жўнатилмаган бир мактуб ҳақида

Яқинда қўлёзмаларимни тартибга солаётиб, сал кам йигирма йил аввал битилган бир хатга кўзим тушди. Ўша пайтда мен бу хатни севимли адабиёт газетамизга йўлламоқчи бўлганман. Қадрдон газетамизда ардоқли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг тўрт жилдли асарлари чоп этилгани муносабати билан эълон қилинаётган материаллар ва адиб ҳақидаги хотиралар босилаётгани боис, ўша орзуларим амалга ошгани учун ҳам жўнатилмаган мактубга бир назар ташлагим келди.

“Менимча, ҳикоя жанрида энг кўп заҳмат чекаётган адибларимиздан бири Шукур Холмирзаевдир, — деб ёзилган эди жўнатилмаган хатда. — Тилда ўзига хослик, мавзу янгилиги, қаҳрамонлар ҳаётига “аралашмаслик” — ёзувчи маҳоратини таъминлаётган омиллардир. Шукур Холмирзаев 1988 йилдаги энг яхши ҳикоялар конкурсида “Шарқ юлдузи” совриндори бўлгани бежиз эмас. Унинг асарларида инсон чиндан ҳам табиат мўъжизаси эканлиги теран таҳлил этилади. Ёзувчи ҳикоячиликда ҳозирдаёқ ўзига хос мактаб яратиб қўйди, адиб асарлари нафақат ижодкор студентлар диплом ишлари учун, балки илмий даражалар учун ҳам етарли манба бўла олади”.

Мана, орадан кўп йиллар ўтиб, истиқлолга эришгач, бадиий сўзнинг қадри ошди, севимли ёзувчимизнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнатлари рўёбга чиқди — тўрт жилдли китоблари нашр этилди. Бу китоблардаги асарлар ўзбекнинг бағрикенглигию садоқатини, саховатпешалигию мардлигини, қўйинг-чи, барча олийжаноб фазилатларини тараннум этувчи қўшиқдек ўқилади. Уларни ўқиётиб, Сурхон тоғу даштларини, яшил ўтлоқлару дарёлари ҳидини туясиз, бепоён кенгликларда кезгандек бўласиз, ўзингизни овчи мисол ҳис этасиз.

Шукур ака “Шарқ юлдузи” журналида ишлаётганида бу нашрнинг бир сонида иккита ҳикоям чиққанини ҳамон фахр билан эслайман. Шундан илҳомландимми ёки севимли ёзувчимиздан хат олмоқчи бўлдими, унга мактуб ёзиб, ижодий фаолиятининг баъзи сир-асрорларини сўрадим. Ўша пайтда наср бўлими адабий ходими бўлган Турсун Иброҳимов, назаримда, адибнинг ўзингизга талабчан бўлинг, деган мазмундаги фикрларини ёзиб юборгани каминага катта мукофотдек бўлган. Чунки хатнинг бир чеккасига Ш.Холмирзаевнинг: “Бу гапларга қўшиламан”, деган ёзувлари бор эди. Бу билан айтмоқчиманки, Шукур ака қўлига қалам тутган ёш ижодкорларга эътиборли эди. Унинг асарларини қайта ўқирканман, беихтиёр ёзувчи билан учрашгандек, сабоқларини тинглагандек бўламан. У машқларимга назар ташлаб, қаҳрамонларни тасвирлаш санъатидан сабоқ бераётгандек бўлади. Шукур аканинг бир пайтлар адабиёт газетасида босилган ва узоқ йиллар мен асраб қўйган қатор ҳикояларини ниҳоят тўрт жилдликда кўриб, беҳад хурсанд бўлдим. Буни адабиётимизга, маънавиятимизга бўлган эътибор, деб тушунсак тўғри бўлади.

Филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов адабиёт газетамиздаги мақоласида таъкидлаганидек, Шукур Холмирзаевнинг кўп жилдли сайланмаси чиндан ҳам ўзбек адабиётининг бойлиги бўлиб қолди. Адибнинг ўнлаб ҳикоялари жаҳон адабиётидаги асарлар билан бемалол беллаша олади. Шундай экан, уларнинг хорижий тилларга таржимаси ҳақида ҳам амалий ишларга қўл уриш мақсадга мувофиқдир.

Инсондан ўстирган фарзанди, эккан бир жуфт ниҳоли қолади, дейишади. Яна айтишадики, марднинг ишию дононинг сўзи қолади. Назаримда, Шукур Холмирзаев буларнинг ҳаммасига эришиб яшади. Китоблари севиб ўқилаётгани адибнинг ҳаёти давом этаётганидир.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

Янги нашр

“ТАРАҚҚИЙ”

Таниқли адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев янги нашрга оқ йўл тилаган сўзбошисида, жумладан, шундай ёзади: “Янги аср авлоди” нашриёти муассислигида эндигина дунё юзини кўраётган “Тараққий” нашри ёш ижодкорларимиз фаолиятида бурилиш ясашига ишонаман. Ва ушбу мажмуа адабиётимиз ва санъатимиз масалаларида қаттиққўл, талабчан, айни пайтда, ғамхўр бўлишини истардим”.

Биз ҳам ҳурматли олимимизнинг тилакларига қўшилган ҳолда, “Тараққий” алманахининг илк сони мундарижаси билан қисқача таништирамиз. “Янги аср авлоди” нашриёти директори Эркин Абдураҳмонов “Китоб кўнгил мулки” мақоласида нашриёт фаолияти билан ўқувчиларни батафсил таништириб, “Ёшлар йили” муносабати билан чоп этилаётган “Тараққий” номли алманахимизда маънавият мавзусига алоҳида урғу бергани ва бу ишларимиз Юртбошимиз томонидан кўрсатиб ўтилган баъзи бир муаммоларга жавоб бўлади, деган умиддамиз”, деб ёзади.

“Тараққий”нинг илк сонидаги бир неча мақолалар адабиёт олами, улуғ адиблар фаолияти, машҳур асарлар, замондош ижодкорлар ижоди билан боғлиқ. Бироқ улар барчаси замондошлар маънавияти, бугунги ёшлар дунёси, муаммолари билан боғлангани боис мавзу қўлами кенг, талқинлар ранг-барангдир. Чунончи, “Дон Кихот” романи борасидаги адабиётшунос Узоқ Жўрақуловнинг фикр-мулоҳазалари, таниқли олим ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг Нитше ва унинг “Зардушт таваллоси” асари ҳақидаги суҳбати, Нилуфар Ҳакимованинг “Кўнгилларнинг “Азизими”, Иқбол Қўшшаеванинг “Қалб қудрати”, Наргиза Умарованинг “Тушунолмаслик изтироблари”, Дилрабо Мингбоеванинг “Маънавий эҳтиёж ўрни” мақолалари бадиият ва инсон ички олами, маънавият ва адабиёт нақадар уйғунлигини намоён этиб, ўқувчиларни нафосат дунёсининг сирли-синоатли манзиллари сари чорлайди.

“Тараққий”нинг илк сони мазмун-мундарижасига кўра пишиқпухталигини таъкидлаб, келгусида алманахнинг дизайни, мавзулар хилма-хиллиги янада ортади, деб умид билдирамиз.

Журналларни варақлаганда...

“Ўзбек тили ва адабиёти” 2008 йил, 5-сон



Журналнинг мазкур сони аввалида туркман адабиётини дунё миқёсига олиб чиққан улуғ шоир Махтумқули тавалудининг 275 йиллиги муносабати билан адабиётшунос олимлар Бахтиёр Назаровнинг “Махтумқулининг замонавийлиги”, Эргаш Очиловнинг “Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари” мақолалари эълон қилинган. Сувон Мелиев тадқиқотида “Хамса”да муаллиф образининг турли структур-услубий шаклда намоён бўлиши, ўзига хосликлари ҳақида фикр юритилса, Абдулла Авлонийнинг машҳур рус адиблари ижодидан қилган таржималарида мутаржим маҳорати қай даражада намоён бўлгани Раҳматулла Баракаев мақоласида очиб берилган.

Атоқли тилшунос олимлар Ғани Абдураҳмоновнинг ўзбек адабий тилини даврлаштириш масаласига доир, Аҳим Ҳожиевнинг тилшунослигимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган тадқиқотлари билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз. Абдували Мадвалиевнинг мақоласида ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиш ҳақида фикр юритилса, Р.Сайфуллаева ва Ш.Шаҳобиддинованинг мақоласи тилшуносликда лисоний бирлик масаласига бағишланган.

“Илмий ахборот” рукнида мумтоз ва замонавий адабиётимиз, халқ оғзаки ижоди, бадиий асарлар тили, тилшунослик муаммоларига доир янги тадқиқотлар эълон қилинган. О.Сафаров ва Л.Шариповани-нинг “Аср билан видолашув” мақоласида таниқли шоир Жамол Камолнинг “Сайлама”-си ҳақида мулоҳаза юритилади. Кейинги йилларда чоп этилган бадиият, фолклор масалалари ва замонавий ўзбек адабиёти намояндалари ижоди таҳлил этилган нашрлар ҳақидаги мухтасар ахборотлар, “Мерос” рукнида эълон этилаётган “Олтин ёруқ” асарининг давоми, илмий ҳаётга доир хабарлар билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз.

“Гулистон” 2008 йил, 5-сон

Журналнинг илк саҳифаларида берилган “Истиқлол — имконият демак” сарлавҳали мақолада муаллиф Баҳром Рўзимуҳаммад ёзади: “Истиқлол бизга имконият эшикларини кенг очиб берди. Ана шу имкониятдан фойдаланиш жоиз. Шундагина биз мустақиллик неъмати қадрига етган, Истиқлол туйғусини дилдилдан ҳис қилган бўламиз”.

Тарих фанлари доктори А.Мавруловнинг “Замон ва ақлидрок фалсафаси” мақоласида халқимизнинг Шарқ оламида тутган ўрни, асрлар давомида яратган миллий-маданий ва анъанавий мероси ҳақида мулоҳаза юритилади. Тошкент давлат маданият институти ўқитувчилари А.Муҳаммадиев, Р.Жомонов, Қ.Нишонбоева, И.Эргашева, М.Каримова, Т.Седих, М.Иноятовларнинг мақолаларида ахборот маданияти, исмлар мазмуни, маънавият ва ёшлар таълим-тарбиясига оид мавзулар қаламга олинган. Шунингдек, мазкур институтда таълим олаётган ҳаваскор талабаларнинг шеърий машқлари ҳам журналнинг ушбу сонида эълон қилинган.

Турсун Алининг “Юрт куйчиси” мақоласида таниқли шоир Сирожиддин Саййиднинг ижодга, хусусан, унинг Ватани мадҳ этган шеърларига доир кузатишлари баён этилган. Ш.Субҳоннинг “Постмодернизм ҳақиқати” мақоласида эса, ғарб адабиёти ва санъатида ХХ аср ўрталарида пайдо бўлган оқим, унинг моҳияти, етакчилари, фалсафий-эстетик асослари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, “Гулистон”нинг мазкур сонида сиз Маҳкам Маҳмудовнинг “Клеопатра” бадеасининг якуний қисми ва Баҳодир Худойбергановнинг “Қўйнимдаги қотил” романининг давоми билан танишасиз.

Ўзбек рангтасвир санъатининг навқирон вакилларидан бири, таниқли мусаввира Зебинисо Шарипованинг ўзига хос услуби, ҳайратларга тўла олами бор. Зебинисо қўлига қалам тутгандан буён топган-топингани рангтасвир санъатини севиб, бутун борлиғини ижодга бағишлаган. Рангтасвир тарихидан маълумки, аёллар орасида мусаввирлар у қадар кўп эмас. Бошқа санъат турларига қараганда рангтасвир йўналишида ярқ этиб кўзга ташланиш, машҳур рассомлар изидан боришнинг ўзи жасорат. Бу мусаввирдан фидойиликни, соатлаб тинимсиз ижодий меҳнатни талаб этади. Рассомлар «қўл бир кун ҳаракат қилмаса қотиб қолади», деб бежиз айтишмайди.

Рассом устахонасида

Зебинисо ШАРИПОВА:

РАНГЛАР ОЛАМИНИ СЕВАМАН

Зебинисонинг туркум асарлари 90-йиллардан бошлаб республика журналларида тез-тез чоп этилиб, кўргазмаларда намойиш этиладиган бўлди. Бу асарларни мухлислар узоқ вақтгача эслаб юрардилар. Мусаввира аксарият ишларида аёллардаги ёқимтой қизчани эркин ҳолатда тасвирласа, "Тонг" асарида аёл билан тонгнинг уйғунлигини кўрасиз. "Шом" картинаси мухлисларни бироз ўйлантиради. Назаримда, бу манзарада аёллар куни билан турмуш ташвишлари ичида ғимирлаган бўлсалар-да, шомни хотиржам қарши оладилар, чеҳраларидан шукроналик барқ уриб туради, улар қаноат билан яшайдилар, деган фалсафа бор. Кўргазмага ташриф буюрган санъатсеварлар Зебинисонинг асарлари олдида ҳайратга чўмиб, узоқ туриб қолмоқдалар. Рангтасвир мухлислари бу асарлар тагига гулдаста қўймоқдалар. Мутахассислар эътирофи-ю мухлислар олқишидан кўзлари порлаб турган мусаввира билан суҳбатлашишга муяссар бўлдик.



— **Зебинино, ўтган йили шу галереяда Акбар Ҳакимовнинг замонавий санъат соҳасидаги энг ноанъанавий лойиҳаси — "Тетрагон борлиқнинг тўрт ўлчови ва Пилланинг ўғирланиши" деб номланган кўргазмада қатнашдингиз. "Саҳар. Фаришталарнинг ерга тушиши" асарингиз кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бу асар қандай яратилди: олдиндан лойиҳа берилганмиди, ёки...**

— Биласизми, Акбар Абдуллаевич кўргазмага таклиф қилган кезларда, хаёлимда ана шундай асар яратишни анчадан буён ўйлаб юргандим. Сурат катта ҳажмда бўлиши кераклиги олдиндан айтилганди. Кўриб турганингиздек, кўпроқ портрет жанрида ижод қиламан. Битта портрет билан кўзланган манзарани кўрсатиш жуда қийин.

Суратимда сахар пайти, турли қиёфадаги фариштасифат аёлларнинг атрофни кузатиши тасвирланган. Аслида улар ердаги одамлар. Мен одамларни фариштага ўхшатдим. Ушбу асарни Жалолиддин Румий шеърларидан илҳомланиб яратдим. Агар эътибор берилса, сурат тагига Румий ҳазратларининг ушбу мисралари ёзилган:

Мо ба фалак будаем, ёри малак будаем,
Боз ҳамон жо равем жумла, ки он шаҳри мост.

Ҳазрати Румий шеърларида инсон қадрини улуғлаганлар. Шеър мазмуни билан асардаги манзара бир-бирини тўлдиради. Шеърни ўқиганлар, суратга ҳам сўзсиз тушунишади, деб ўйлайман.

— **Ўтган йили "Инконел бизнес" маркази галереясида намойиш этилган асарларингизда ҳам портрет жанрида меҳр билан ижод қилишингиз кўринган эди. Портретларингизда бошқа рассомларда кузатилмаган ўзига хос чизгилар кўзга ташланади. Айниқса, инсон чеҳраси, кўзлари табиий, ёришиб туради...**

— Буни жуда кўп рассомлар айтишган. Талабалик давримда гуруҳдошларим ҳам "кўзни қандай қилиб бу даражада табиий чизасиз, ёниб туради", дейишарди. Устозим чизаётган суратимга қараб "худди аслидек, уддасидан чиқаяпсан" дердилар. Назаримда, одам ҳақида аввало кўзлари сўзлайди. Шунинг учун мени кўпроқ инсоннинг руҳий ҳолати ва унинг кўзлардаги акси қизиқтиради. Чизиш жараёнида қаҳрамонимнинг кўринишини эмас, кўпроқ ички дунёсини кўрсатиб бергим келади. Инсоннинг кўзида жуда кўп туйғуларни уқиш мумкин ва мен уларни кўришга, тушунишга ҳаракат қиламан.

— **Бир асар устида ишлаётганингизда кўнглингиздан қандай кечинмалар ўтади. Рассомлик касбми, хоббими ёки..**

— Ижодий ишларимни сотиш ёки одамларга ёқиш учун чизмаганман. Кўпинча ички туйғулар оғушида ўзим учун чиза бошлайман. Агар тугалланган асарим ўзимдан бошқаларга ҳам ёқса, хурсанд бўламан. Энди рассомликка келсак у мен учун ҳаётимнинг мазмуни. Рассомлик касбим, яхши-ёмон кунларим, борлиғим десам бўлади. Чизмасдан туролмайман, бусиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман.

— **Рангтасвир санъати йиллар ўтгани сайин ривожланиб, такомиллашиб, ўсиб бормоқда. Сиз услубингизни шунга қараб ўзгартирасизми?**

— Билмадим, кимгадир услубини ўзгартириш ёқар. Ҳозир авангард усулидаги ишлар урф бўлган. Негадир, урфнинг кетидан қувишни унча хушламайман. Ўзимга, қалбимга маъқул бўлган мавзуларда ижод қиламан. Бу ҳақда менга кўп гапиришган. Ҳамманинг ўз танлаган йўли, услуби бўлиши керак. Очиғи, мутахассис — санъатшунослар кўпроқ янгиликни тарғиб қиладилар. Шундай бўлса ҳам ўзлигимизни унутмаслигимиз, ildизимиздан узилмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

— **Устозларингиз ҳақида гапириб бермасангиз.**

— Институтда Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоев устахонасида таълим олганман. Неъмат ака бетакрор рассом, нозик дидли, бағрикенг, самимий, одамийликлари жуда юқори инсон эдилар. Шогирдлари билан эркин мулоқотда бўлар, буйруқ оҳангида эмас, дўстона эътироф сифатида ўз таклифларини айтардилар. Устозим кўп гапирмас, шогирдларига ўзлари танлаган мавзуда чизишга рухсат бериб, кузатиб турардилар. Мана шу мавзуни чизасан, деб шарт қўймаганлар.

— **Асарларингизда оқ, пушти ранглар билан бирга, кўпроқ ер рангини кўриш мумкин.**

— Тўғри. Ер ранги жуда кўп манзараларга уйғун. Кўзни толиқтирмайди. Буюк Умар Хайём айтганларидек, ерда туғилиб, вақти келганда ерга қўшилиб кетамиз:

Сен, мендан олдин ҳам тун-кун бор эди.
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

— **Ижодингизга назар солсак Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Румийга бағишланган асарлар кўп экан. Демак, Шарқ шеъриятига кўп қизиқаркансиз-да?..**

— Мен Шарқ шеъриятни севиб ўқийман. Алишер Навоий, Умар Хайём, Шерозий, Румий шеъларини ўқиб, тушунишга ҳаракат қиламан, улардан ўзим учун мавзулар излайман. Минг йиллардан буён бу буюк шоирлар шеъларини миллионлаб мухлислар ўқимоқдалар. Яна минг йиллардан кейин ҳам уларнинг асарлари ўз қимматини йўқотмаслигига ишонаман.

САРВАРА суҳбатлашди.

В.ҒРАНКИН олган суратлар.

ДУТОР ЧЕРТГАН МОМОЛАР

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги табиатан сўлим Кавардон қишлоғида шундай оналар борки, уларнинг матонати ва иродаси олдида бош эгсак арзийди. Ана шундай аёллардан бири Мунисхон ая Пўлатхўжаевадир. У саксон беш ёшда бўлишига қарамай, ҳамон эл-юрт хизматида. Мунисхон ая салкам қирқ йил мобайнида 3-ўрта мактабда ёш авлодга таълим ва тарбия берди. Нафақага чиққач, ҳамқишлоқ дугоналари Баҳринисо Пардахўжаева, Шоира Тешабоева, Кумри Мансурова, Салима Қуролова, Манзура Раҳимхўжаева, Ўлмасхон Абдужабборовалар билан бамаслаҳат Янгибозор маданият уйи қошида "Муножот" фолклор-этнографик гуруҳини ташкил этишди. Мана, йигирма саккиз йилдирки, "Муножот" халқимизга беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Мунисхон аянинг ёшлиги оғир йилларга тўғри келган. Ўша машъум 30-йиллар қатағони Кавардон қишлоғини ҳам четлаб ўтмади. "Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёнади", деганларидек қатағон тегирмонига аянинг отаси сувчи Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли ҳам тушган эди. Уни машҳур адибларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, атоқли давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар билан яқин алоқада бўлганликда ва қишлоқда "Меҳнат — бирлик" жамоа хўжалигини тузиб, халқ мулкини талон-тарож қилганликда айблашган эдилар. Аввалига у суд ҳукми билан олий жазога ҳукм этилган. Аммо кўп ўтмай унинг иши қайта кўриб чиқилиб, ўн йилга қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Отасини қамоққа олиб кетишганда Мунисхон ая етти ёшли қизалоқ бўлган. Пўлатхўжа ака шу кетганча қишлоққа бошқа қайтиб келмади.

Бугун сочлари оқариб, юзларига ажин тушган, кўзлари хиралашиб, кўзойнак таққан Мунисхон ая титроқ қўллари билан дутор торларини чертаётиб, отасини йўқлайди... Санъат, қўшиқ унинг юрагига малҳам бўлиб дардларини аритади. Ая қўшиқ ҳамроҳи эканига шукроналар айтади.

Кўпни кўрган онахонлардан яна бири Баҳринисо ая Пардахўжаеванинг отаси ва поччаси ҳам қатағон тегирмонига тушганлардан. Отаси "қулоқ" қилиниб, улар оиласи билан ўтирган уй ҳам зўрлик билан тортиб олинади. Бутун бир оила бир неча йил дарбадарликда кун кечиришга мажбур бўлди. Орадан бир неча йил ўтиб, "Қамалган ота учун фарзандлар, фарзандлар учун ота-оналар жавобгар эмас", — деган қарор чиқдию, уларнинг мол-мулклари қайтариб берилди. Отаси ва поччаси айби бўлмагани учун оқланди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида ёш Баҳринисо Пардахўжаева эркаклар ўрнига от миниб, "Меҳнат — бирлик" жамоа хўжалиги даласида меҳнат қилди. Кейин салкам 40 йил қишлоқ мактабида она тили ва адабиёти ўқитувчиси, кўп йиллар мактаб директори бўлиб ишлади. Баҳринисо Пардахўжаева қарилик нафақасига чиққач, уйида тинч ўтира олмади. Санъатга бўлган қизиқиши фолклор-этнографик ансамбли тузишга ундади. Аввалига қишлоқда биринчилардан бўлиб оилавий ансамбл тузди. Кейинчалик қишлоқ аёллари орасидан санъатга шайдоларини тўплади. Тиниб-тинчимас Баҳринисо ая 1980 йилга келиб "Муножот" фолклор-этнографик ансамблини тузишда бош-қош бўлди.

Йиллар ўтиб, жамоа аъзолари сафи кенгайди, репертуари ҳам бойиб борди. Ансамбл аъзолари мамлакатимизнинг турли вилоятларига ҳамда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикаларига сафар уюштириб, қизиқарли мусиқий кечалар ташкил этишди. Ҳаваскор санъатчилар ижро этаётган "Мучал тўйи", "Бешик тўйи", "Ёр-ёр", "Келин тушди", "Алла", "Тандир тўла нон", "Гулёр", "Омонёр" каби кўплаб миллий қўшиқлар, лапарлар санъат ихлосмандларига манзур бўлмоқда. Баҳринисо аянинг ёши саксондан ошиб кетган бўлса-да, ҳамон эл-юрт хизматида.

Ҳалол меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Биз ҳикоя қилган мунис аяларни ҳам ҳар қанча шарафласак, эъзоз этсак арзийди.

Латифжон МАНСУРОВ

ДАВРА МУЛОҚОТИ

Тошкентнинг Ҳамза туманидаги "Тенгдош" маданият уйида "Аҳолига маданий хизмат кўрсатишда сервис хизматидан фойдаланиш" мавзуида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маданият уйлари директорлари иштирокида давра мулоқоти бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтган тадбирни Халқ ижодиёти маркази директори ўринбосари Ўткир Тоҳиров очиб, "Маданий-маърифий муассасалар ходимлари фаолиятини янгилаш ва ислоҳотлар жараёнига йўналтириш" мавзуида маъруза қилди.

"Тенгдош" маданият уйи директори Нина Житенёва, Андижон вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Маъруфжон Мадаминов сервис хизмати бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўзладилар.

"Тенгдош" маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган "Ушу" спорт тўгараги раҳбари П.Ваганов тўгаракда олиб бораётган иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

Юнусобод туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи директори Ф.Ҳакимов ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари иштирокидаги концертлар ва тадбирларни шартномалар асосида ташкил этишда жойларда лицензия талаб этилаётганига тўхталиб, мутасадди ташкилотлар бадиий ҳаваскорлик жамоаларига имтиёзли лицензиялар берилишида ёрдам кўрсатсалар, сервис хизмати кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган ишларда муаммолар бўлмас эди, деган таклифни айтди.

Шунингдек, Бухоро шаҳар маданият уйи директори А.Хўжаев, Қўқон шаҳар маданият уйи директори А.Пирназаров, Урганч шаҳар маданият уйи директори И.Бобожоновлар ҳам бу борадаги муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

Давра мулоқоти қатнашчилари Тошкент шаҳридаги маданият муассасалари ва "Тенгдош" маданият уйи жамоаси томонидан амалга оширилаётган сервис хизмати ҳақидаги кўргазма билан танишдилар. Барча қатнашчиларга сервис хизмати бўйича меъёрий ҳужжатларнинг намуналари тақдим этилди.

Бобур МУҲАММАДЖОНОВ

ЁШАРГАН "РЕВИЗОР"

Гўзаллик ҳамма вақт инсон кўзини қувонтириб келган. Ўзбекистон давлат санъат институти талабаларининг "Ревизор" диплом спектакли ҳам ҳар томонлама гўзаллиги билан бизни мафтун этди: ўқув театри деб аталмиш бу мўъжазгина томошахонада янги истеъдодларнинг бўй кўрсатиши гўзал, ёш йигит-қизларнинг илк ижодий ишга чинакамига бунёдкорона шижоат, жўшқинликни бахш эта олганликлари гўзал, талабалар қалби, шуурида ниш ура бошлаган кашфиётларга мойиллик хислати гўзал ва ниҳоят асарнинг янгича талқини, ўзига хос хусусиятлари гўзал.

Курс бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров саҳна солномасига кўра бой тарихга эга классик асарга мурожаат этган, талабаларни Гоголнинг зиддиятларга тўла дунёсига, "Ревизор" комедиясининг ўзига хос оламига ошно қила олган. Спектаклда Мария Антоновна ролини ижро этган Шаҳло Ҳожиева сўзлари билан айтганда "... режиссёр асарни ялпи ўқиш жараёнининг ўзидаёқ бизда асарда акс эттирилган воқеликка мос ва хос кайфият ярата олди. Ана шу кайфият бизга бир ярим йил давомида ҳамроҳ бўлди. Образлар характерини топиш йўлидаги машаққатлар билан деярли ярим йил банд бўлдик."

Спектаклдаги асосий ролларни ижро этган талабалар Сирожиддин Вафоев (Шаҳар ҳокими), Алишер Муқимов (Хлестаков), Раъно Шарипова (Анна Андреевна), Баҳром Иноғомов (Ляпкин-Тяпкин), Фируз Худойбердиев (Земляника), Ғолиб Ҳабибуллаев (Лука Лукич), Санжар Исломохунов (почта мудири), Азиз Отахонов (Бобчинский), Асқар Тоғаев (Добчинский), Шерзод Холмуродов (Осип), Жамшид Бекмуродов (Свистунов) катта саҳнага, профессионал ижод оламига кириш палласидаги илк жиддий ишларини томошабинларга армуғон этдилар.

Чиндан ҳам талабалар учун таассуротлари бир умрга татигулик ҳаяжонли дамлар бу! Зотан, спектакл орқали биз уларнинг ижодий қадамлари ва қиёфаларидан воқиф бўламиз, бўлажак катта дарахтнинг илк меваларига баҳо берамиз.

Фикримча, эришилган натижа мухлису мутахассисларда ишонч ҳиссини қўзғайди, ўзбек миллий театр санъати истиқболига катта умид уйғотади.

Хлестаков роли ижрочиси Алишер Муқимов хатти-ҳаракатлари, сўзлаш йўсини, муомала-муошарат тарзи билан фақат театр учун, саҳнада яшаш учун туғилгандек таассурот қолдиради. Унинг ижросидан мутаассир бўлган томошабин образнинг ичи-ташига оид "саҳна орти" тафсилларни англаш, ҳис этишга киришиб кетади. А.Муқимов олифта, тутуриқсиз, ҳавойи, на гап-сўзлари ва на хатти-ҳаракатларини назорат қила оладиган Хлестаков образини "бўйинча" (Гогол) қилиб "кийиб олгани" таҳсинга лойиқ. Шу боис ҳам бу бўлажак актёрнинг ўзига хос топилмаларга бой таъсирли ижроси мухлисларни завқу шавқ оламига олиб кирди. Ҳозирча истеъдод ҳақида сўз юритишга эрта, бироқ шуни ишонч билан таъкидлаш жоизки, А.Муқимов келгусида қайси спектаклда, қандай рол ижро этишидан қатъий назар мухлислар эътиборида бўлиши шубҳасиз.

Санжар Исломохунов ижросидаги почта мудири образи ҳам бизни фарахбахш орзулар оламига ошно этди. Унинг юриш-туришлари, нутқи, туйқусдан жунбушга тушиши, ғайриихтиёрий ҳаракатлари образ феъл-атворини зўр қулги, бетўхтов қаҳ-қаҳага чулғаб очиб беришда ниҳоятда қўл келган. Ҳаракатчан, серғайрат бу талабани беихтиёр машҳур рус киноактёри Савелий Краморовга қиёс қилишдан ўзимизни тиёлмадик. Краморовга эргашиш, кўркўрона тақлид маъносида эмас, балки унинг ижро йўсини, нутқи, ҳаракатлари ва ҳатто ташқи қиёфасида талай ўхшаш жиҳатларнинг мавжудлиги "ўзбекнинг Савелий Краморови туғилди", дейишимизга асос беради, деб ўйлайман. Шу боис бу талабани суҳбатга жалб этиб: "Сизни кўпроқ ҳажвий ва комик роллар қизиқтирса керак", деган саволимизга у шундай жавоб берди: "Ҳаётда қувонч ва қулфат, қулги ва ғам-андуҳ ёнма-ён юради. Бошқалар қатори унисини ҳам, бунисини ҳам бошдан ўтказганман. Шу боис рол танлаш ниятида эмасман. Ҳар қандай ролни бажонидил ижро этаман. Муҳими, унга юрагимдан жой ажрата олиш ва ўз навбатида, ўша образ юрагига йўл топа билиш". С.Исломохунов истиқболи бўлажак комик ва ҳажвий роллар ижрочиси сифатида бизда катта умид пайдо қилди.

Баҳром Иноғомов ижросидаги Ляпкин-Тяпкин образи ҳам оҳори тўкилмаган топилмалар, қизиқарли, эътиборталаб унсурларга бойлиги билан яққол кўзга ташланиб туради. Б.Иноғомов сирти "куч", ичи пуч Ляпкин-Тяпкин образини анча мукаммал идрок этади, ижрода таъсирчанлик ва тугалликка эришишни мақсад қилади.

Бир сўз билан айтганда, "Ревизор" спектаклидаги ҳар бир талаба маслагу мақсади, ўй-интилиши, ҳаракатлари хусусида қониқиш ҳисси билан алоҳида фикр билдириш, илиқ, ижобий таассуротларни изҳор этиш мумкин эди. Агар имкон бўлса, Антон Антонович, Анна Андреевна, Мария Антоновна, Земляника, Лука Лукич, Бобчинский, Добчинский, Христиан Иванович, Унтер офицернинг хотини (Феруза Бегалиева) роли ижрочилари хусусида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин.

Томошахона ҳамда саҳнанинг мослаштирилганлиги боис спектаклнинг бошқа компонентлари хусусида фикр билдиришни лозим кўрмадик.

Ҳали спектакл жуда кўп намойиш этилади, сайқал топади. Бу тўқсон тўққиз фоизлик меҳнатнинг маҳсули холос. Агар талант бор-йўғи бир фоизни ташкил этса, демак, у спектакл иштирокчиларининг ҳар бирида мавжуд. Бинобарин, улуғ рус рақҳоси Вацлов Нижинский айтганидек: "Талант, грация — фақат чексиз машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар орқали юзага келадиган омиллардир".

Биз мазкур курс талабаларининг навбатдаги диплом спектакли ҳам ҳайрат ва ҳаяжон уйғотишига ишонамиз.

Фарҳод ФАЙЗИЕВ, театршунос

"ШОҲ ҚАЙЛИҒИ" ЯНА ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрида рус композитори Н.Римский-Корсаков асарлари бир неча марта саҳнага қўйилган. 1979 йили "Бойвучча Вера Шелога" ва "Май туни" опералари, кейинроқ эса "Шаҳризода" балети саҳналаштирилганди. "Шоҳ қайлиғи" операси ҳам ўзбек томошабинларига тақдим этилган.

Айни кунларда жаҳон опера санъатининг энг ёрқин ва ўзига хос намуналаридан бўлган "Шоҳ қайлиғи" иккинчи марта, янгича талқинда опера шинавандаларига тақдим этилиш арафасида.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида Алишер Навоий номидаги театр директори Бахтиёр Ёқубов янги асарни саҳналаштириш жараёни ҳақида шундай деди:

— Мазкур асарни саҳналаштириш ишларига "ЛУКОЙЛ" масъулияти чекланган жамияти ҳомийлик қилмоқда. Ниҳоятда қизиқарли ва машаққатли ижодий иш якунига етай деб қолди.

"Бу опера мусиқа санъати ҳаётида воқеа бўлади, деб ўйлайман, — деди "Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани" МЧЖ мутахассиси Игор Алексеенко. — Постановкада театр опера труппасининг учта таркиби қатнашаётгани эътиборга лойиқ. Етакчи солистлар билан ёнма-ён истеъдодли ёшлар ҳам ижод қилаётгани қувонарли".

Янги опера премераси декабр ойида бўлади.

Ф.ФАХРУТДИНОВА

Муаллиф олган сурат.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

"Ёшлар йили" ҳамда халқаро ногиронлар куни муносабати билан Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Санъат гулшани" маданият саройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика кўзи ожизлар кутубхонаси ва Кўзи ожизлар жамияти Тошкент шаҳар бошқаруви томонидан талабалар ўртасида "энг моҳир шашкачи" биринчилиги ўтказилди.Оқмурод Ўтамуродов биринчи ўринни, Содиқ Мелибоев иккинчи, Ҳусан Абдиев учинчи ўринни эгалладилар. Иштирокчиларга Кўзи ожизлар жамияти ва Учтепа туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши томонидан рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

Ҳ.БУРҲОНОВ

* * *

Янгийўл шаҳрида Республика кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан "Энг меҳрли кутубхоначи" республика танлови ўтказилди. Танловда андижонлик Ҳодиса Маҳкамова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Дилдора Аҳмедова (Бухоро), Маъмура Маматова (Самарқанд), Фотима Алимовага (Хоразм), учинчи ўрин Нигора Хушбоқова, Ҳамида Абдураззоқова (Жиззах), Соиб Қодировга насиб этди. Танлов ғолиблари ва иштирокчилари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ, Маданият ҳодимлари касаба уюшмаси кенгаши бошқаруви, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кенгаши мукофотларига сазовор бўлдилар.

М.КАРИМОВА

ОШИҚИНГ, МУХЛИСЛАР

Халқимиз очиқ чеҳра, истаралли, ҳамиша яхши кайфиятда юрадиган одамларга нисбатан "Юзида фариштаси бор", деган ибора ишлатади. Бундан икки-уч йил муқаддам "Муштум"га — Саид Анварни йўқлаб борганимда, мени Шавкатжон исмли акамиз кутиб олди. Саид ака келгунча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Ўшанда кўнглимдан "Суҳбатдошим фариштали йигит экан", деган ўй кечганди. Шу-шу у киши билан қадрдон бўлиб қолдик. Янги қадрдоним — истеъдодли рассом, моҳир карикатурачи, камтар дўст Шавкат Музаффар эди.



Шавкат Музаффар мени ҳамиша битта хислати билан ҳайратда қолдиради. У рассом бўлишига қарамай, сўз ишлатишни ҳаддан зиёд жойига қўяди. Ҳатто унча-мунча шоирдан ўтказиб гапиради. Гап унинг шоирона гапиришида эмас, сўзни ҳис қилишида. Эҳтимол, бу отаси, таниқли журналист Музаффар Туробдан мерос фазилатдир ёки "Муштум" ва муштумчиларнинг ҳиссасидир. Нима бўлганда ҳам, Шавкат ака ҳар қандай ҳолатда ҳам кўнглингиздагини топиб гапиради.

Янги кўргазма

Яна бир жиҳати — ёрқин рангларни яхши кўради. Ҳамкасби Носиржон Тошматовнинг таъбири билан айтганда, Шавкат Музаффарнинг ўзи ҳам оқ-сариқдан келган йигит, чизган суратларида ҳам фақат шундай очиқ рангдан кенг фойдаланади.



Бу ҳазилнинг тагида анча жиддий баҳо бор, албатта. Рассомчиликдан хабари бор одам очиқ рангли бўёқлар билан ишлаш қийинлигини яхши тушунади. Айниқса, бу асарларга фалсафий ёндашилган бўлса.

Хуллас, бу ижодкор атрофидаги мана шундай яхши гаплар куни кеча ўзининг ёнида, аниқроғи, унинг "Ривоят" деб номланган навбатдаги кўргазмасида яна бир бор тилга олинди. "Тошкент фото уйи"да ташкил этилган кўргазмага, тўғриси, кўпчилик "Мириқиб ҳажвий суратлар томоша қиламиз", деб келган эди. Лекин бу ерда санъат ишқибозларини тамоман бошқа мавзудаги — кўҳна ривоятлар, миф ва асотирлар, тарихий китоблар асосида яратилган фалсафий ижод намуналари кутиб олди.

— Мен Шавкатнинг ижодини алоҳида қадрлайман, чунки рангтасвир йўналишида ижод қилувчи рассомларимиз кўп. Лекин уларнинг аксарияти манзара, натюрморт чизишади. Шавкат эса, рангтасвир билан фалсафага мурожаат қилади, — деди кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев.

Тадбирда сўз олган бошқа санъатшунослар, рассомнинг дўстлари, ҳамкасблари, мухлислари унинг ижодидаги ўзига хос хусусиятлар, янги-янги қирралар ҳақида фикр юритишди, мўйқалам соҳибини чин дилдан қутлашди, туганмас илҳом, ишларига омад тилашди. Кўпчилик эса кўргазманинг очилиш қисми тугаб, деворларга осилган расмларни томоша қилишга ошиқарди.

Мухлислар ижодингга ошиқиб турса қандай яхши...

Носиржон ЖЎРАЕВ

ШОИРА ЖУМБОҒИ

ёхуд шеърият тарихидаги бир қалбакилик хусусида

Бошланиши иккинчи бетда.

Вандербург эшитган ва кўрганларидан ҳаяжон ва ҳайратга тушган эди. XV аср қўлёзмалари-я! Бу нодир саҳифалар нақадар бебаҳо эканини у яхши тушунарди. Лекин унинг ҳайрат ва ҳаяжонини бир мухлис қаторида эди. Агар ўрнида бошқа кимса бўлганида, бу ноёб топилдиқдан ўз манфаати йўлида боплаб фойдаланиш ҳақида ўйларди, чунки Сюрвиль унга айрим шеърларидан нусха кўчиришга рухсат берганди.

Орадан кўп ўтмай дўстлар айрилишади. Видо чоғида Сюрвиль ватанига қайтиши биланоқ шеърларни чоп эттириш орзусини яна бир бор эслайди. Шундай қулай имконият ҳам юзага келиб, маркиз Францияга қайтиш имкониятига эга бўлди. Бироқ шеърлар нашри тўғрисида ўйлашга вақт эрта эди, чунки у "қиролнинг яширин топшириғи" билан йўлга чиққанди.

Унинг қисмати фожиали якун топди. Қўлга тушиб қолиб, 1798 йил кузида отиб ташланди. Энг сўнгги дамда ўзи Пюи қамоқхонасининг ўлим камерасида ётган бўлса-да, ёнида эҳтиётлаб олиб юрган қўлёзмалар тақдири ҳақида қайғурарди. Ниҳоят уларни ишончли қўлга топширишга улгурди. Хотинига йўллаган виза-мактубида, ўзи тўплам ҳолида кўришни орзу қилган катта момоси Клотильданинг ўлмас ижод намуналарини (уларни ўз қўли билан кўчирган эди) қаерда, кимга ишониб топширганини хабар қилолмаслигини ёзди. "Уларни, — деб ёзганди маркиз, — бир неча кунлардан кейин мен ишониб топширган ишончли қўллар сенга етказади. Фақат, сендан илтимосим, қўлёзмалар ҳақида қадршунос адабиётчиларга маълум қил. Кейин улардан қандай фойдаланиш ўзингнинг ихтиёрингда". Мактуб охирида Сюрвиль: "Уни рўёбга чиқариш йўлида чеккан заҳматларим бекор кетмасин, келгуси авлодлар бебаҳа қолмасин. Бу покдомон оиламиз шаъни учун ҳам жуда аҳамиятлидир!", деб илтижо қилганди.

Маркизнинг ҳалокатидан кейин кўп вақт ўтса ҳамки, "ишончли қўллар"дан дарак бўлмади. Бева де Сюрвиль хоним қанчалик оқила бўлмасин, ўзича бирор иш қилолмасди. Худди шу пайтда пайдо бўлиб қолган Вандербург ҳам аёлга кўмак беролмади. У яқиндагина Парижга борган бўлсада, ҳатто ўз номини эмигрантлар рўйхатидан ўчиртиришга улгурмади. Адабий машқлар билан шуғулланиб турмушини тебратаётганига қарамай, ёруғ кунлар келишидан сира умидини узмасди. Хуллас, эсига Сюрвиль ва унинг катта момоси тушиб, Вандербург қидиришни бошлаб юборди. Бу қидирувлар уни собиқ биродарининг беваси даргоҳига олиб боради. Шоирликдан умидвор бу йигит ва маркизнинг беваси қўлёзмалар аллақачон йўқолган, энди умид йўқ, деб туришганида, қутилмаганда қатл этилган маркиздан қолган қоғозларни кўтариб бир заифа кириб келади. Ана шу қоғозлар орасида бебаҳо қўлёзмалар ҳам бор эди.

Энди Вандербург, ўз навбатида, Клотильда меросининг дунё юзини кўришини тезлаштиришни ўз бурчи, деб ҳисоблайди. У Андриш исмли ноширни бу ишга қизиқтиради. Ниҳоят, XV аср қўлёзмаларини чоп этишга тутинадилар. Бироқ мақсадга етдим, дўстимнинг васиятини шараф билан адо этадиган бўлдим, деб турганида, тўсатдан ҳаммаси остинустун бўлиб кетса бўладими?! Эҳтиёткор ношир иккилана бошлайди: уни "Беранже де Сюрвильга қасида"даги айрим сатрлар шубҳага соларди. Бу сатрларда гўё муаллиф ҳозирги замонга ишора қилаётгандек эди:

Ўз қавми қувғинида
шонли шаҳзода,
Қадрдон еридан
мосуво, сарсон,
Дайдир шаҳарма-шаҳар,
қасрма-қаср.
Шоҳлик қилган маконидан
қочишга мажбур!

Йўқ, йўқ! Бу жиноий
талваса тинар.
Қиролингга қайтгунг,
эй аҳли фаранг!

Ё алҳазар! Ношир Андриш бундай исёнкор ашъорни сира-сира босиб чиқаролмайди! Ахир, бу қувғинди қирол Людовик XVIIIга ишоранинг ўзгинаси-ку!... Шундай қилиб ношир хатарли ишдан ўзини четга олади. Фақат ўзининг юқори мартабали аъёнлар билан танишбилишлигидан фойдаланган де Сюрвиль хонимнинг елиб-югуриб, шеърларни босишга расмий ижозат ундириши туфайлигина Клотильданинг қўлёзмалари китоб ҳолида дунё юзини кўради.

Бу 1803 йил май ойининг ўрталарида юз беради. Мўъжазгина тўпламнинг муқовасига "XV аср шоираси Маргерит Элеонора Клотильда де Валлон-Шали, де Сюрвиль хоним шеърлари" деб битилган эди. Китобчага ўттиз еттита шеърий асар жамланган бўлиб, тўплам Вандербургнинг каттагина сўзбошиси билан очиларди. Унинг сўзбошисида ёзилишича, Клотильда тахминан 1405 йили отаси — шонли рицар Луи Фердинанд де Валлонга мерос қилиб қолдирилган қасрда дунёга келган. Онаси кенг маълумотли бўлган. Таълим-тарбияни Клотильда Немур герцоги Гастон де Фуа саройида олиб, шу даргоҳда илоҳий илҳом парисига мойиллик сезган. Ўн бир ёшидаёқ Петрарка таржимасига қўл урган ва ёрқин истеъдоди билан атрофдагиларни лол қолдирган. Клотильда ўн олти ёшида Беранже де Сюрвилга турмушга чиққан бўлиб, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай куёв бола "номус даъватига итоат этиб" уни ташлаб кетади ва Карл қўшини сафларида жангга отланади. Ёрқин муҳаббатидан кечмаган бева хоним шунда ўзининг бундан кейин ҳеч қачон кўриш насиб этмайдиган эри шаънига бағишлаган жанговар қўшиғини ижод этади. Ўзи эса, шу кўйи бевалигича хусусий қасрда ёлғизликда умргузаронлик қилиб, тўқсон ёшида оламдан кўз юмади.

Шу чоққача номаълум бўлган шоиранинг ижоди бутун Париж аҳлини ўзига жалб этади. Клотильданинг мўъжазгина шеърий тўплами бир ярим йил ичида уч марта қайта нашрдан чиқади. Китобни ҳаммадан ҳам кўра аёллар ютоқиб ўқишга тушадилар. Чунки шоира қуйлаган "меҳрибон онаизор", "соф севги отошида қовурилаётган рафиқа" сиймоси, эҳтиросли туйғулар тасвирланган сатрлар уларнинг кўнглига жуда ҳам яқин эди. Ҳатто "Тўнғичимга бахшида шеър"ига ўша чоғдаёқ композитор Бертон томонидан куй басталанган эди.

Фикрлар муштарак эди. Клотильда ижодининг катта қисмидан чинакам илҳом нафаси уфуриб турарди. Туйғулар кучли, табиий ифодаланган, тили равон, тоза, мутаносиб, услуби ўз асри даражасидан анча баркамол!

Шунга қарамай, орадан кўп ўтмай унда-бунда шубҳали гапсўзлар чиқа бошлади. Бу гапсўзлар олқиш ва тасаннолар ummonida хасдай эди. Адиблар ва академиклар шеърларнинг аъло даражада экани ҳақида матбуот орқали фикр билдира бошладилар. Ана шу ҳаяжонли иқрорлар орасида кутилмаганда, худди мусаффо осмон қаърида момоқалдироқ гумбурлагандай бир мулоҳаза пайдо бўлиб қолди. Унда айтилишича, бу шеърлар ҳеч қанақа ўрта асрга тааллуқли эмас, улар ҳозирги XIX аср кишиси томонидан яратилган эмиш. Шеърларда XV асрга тақлид қилинган бўлиб, бу ҳамма шеърларда ҳам айтарли муваффақиятли чиқмаганмиш. Шундай қилиб, орага шубҳа уруғи ташланади. Натижада адабий Париж икки гуруҳга бўлинади. Кимлардир оғизларидан кўпик сочиб, Клотильда де Сюрвиль ижодининг ҳақиқийлигини жон-жаҳди билан ёқласа, иккинчи гуруҳ, сизларни алдашяпти, деб айюҳаннос солади. "Клотильда ўзи умуман мавжуд бўлмаган, — деб исботлашга тиришади "Журналь де Пари", — шеърлар катта момомники деб айтган маркиз де Сюрвиль муаллифнинг худди ўзгинаси!" Бу гап шаҳар бўйлаб ёйилиб, шубҳалар урчий бошлайди. Фақат Вандербургнина уларга қарши курашиб, ғазаб билан ўзининг ҳақлигини исботлашда давом этади. Шоиранинг ижодидан замондошлари бехабар қолгани ҳам кўпларни ажаблантирарди. Бундан ҳайратланишнинг ҳожати йўқ, дея бўш келмасди Вандербург, асл нусхаларга келсак, улар шубҳасиз, инқилоб бўронларида йўқолган.

Етиннчи қитъа

Секин-аста қизиқ ҳол юз беради: энди Клотильда ижодини жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган сўзбоши муаллифи бўлмиш Вандербургнинг ўзи шеърларнинг асл ижодкори, деб эълон қилинади. Аввалига Вандербургнинг боши қотиб қолади. Астасекин унинг фикру ўйида, шундай бўла қолса-чи, деган истак ғимирлай бошлайди. Қаерда ҳозир бўлса, уни — аёл тахаллуси остида яширинган каминаи камтаринни ажойиб шеърларнинг муаллифи сифатида олқишлаб кутиб ола бошлайдилар. Тасодифий шон-шуҳрат Клотильданинг ашаддий ҳимоячисини таслим бўлишга мажбур этади. Энди у на Клотильдага қарши хуружларга, на ўзини шеърлар ижодкори деб аташларига эътироз билдирмай қўяди. Ва ниҳоят, шуҳрат пилла-поялари оша юксалиш унга академия эшикларини ҳам ланг очиб юборади, у "ўлмас сиймолар" қаторидан жой олади.

Орадан яна бир неча йил ўтиб, 1824 йилда Клотильда де Сюрвиль шеърлари жамланган янги тўплам босилиб чиқади. Бу сафар муаллифликни аниқлаш қийин эмасди. Тўпламни икки адабиётчи — ашаддий лофчи Шарль Нодье ва барон Ружу тузган эдилар. XV аср шоираси томонидан битилган шеърларда гўё Коперник ва Сатурн сайёрасининг йўлдошлари ҳақида ёзилган эди. Ҳолбуки, улар шоирадан икки юз йил кейин яшаган олим ва рўй берган ҳодиса бўлиб, ўрта аср шоираси бу ҳақда ҳеч бир тасаввурга эга бўлиши мумкин эмасди.

Хўш, ундай бўлса, Клотильда де Сюрвилнинг дастлабки тўпламига киритилган ва 1803 йили чоп этилган шеърлар муаллифи аслида ким эди? Икковидан бири, деб ҳисоблашади тадқиқотчилар: ё бу қалбаки адабий тўқима-ю (бунга деярли ҳеч ким шубҳа қилмас), унинг чин муаллифи маркиз де Сюрвиль, ёки Вандербургнинг ўзгинаси.

Сент-Бёв эса, Клотильда тўғрисида бутун бошли айблов нутқи битиб, унда бу найрангбозликнинг муаллифи Сюрвиль деб туриб олади. Нима бўлмасин, тарихда "Сюрвиль муаммоси", деб ном олган бу ғала-ғовур вақт ўтиб босилиб қолди, деб бўлмайди. Аксинча, бу борада шунчалик кўп ёзилганки, унинг саноғига етиш қийин.

Клотильдани садоқат билан ҳимоя қилувчилар ҳам бўлган. Профессор Масэ, бу истеъдодли аёл чиндан ҳам яшаб ўтганлигини исботлаб беради. У ҳатто Клотильданинг никоҳ гувоҳномасини ва ўғлини чўқинтиргани ҳақидаги ҳужжатни ҳам излаб топади. Шуниси ҳам борки, эҳтиёткор Масэ бизгача етиб келган шеърий меросниг ҳаммаси шоиранинг ўзинихи, деб туриб олмади. Бу қўлёзмалардаги кўпгина қалбаки шеърларни Сюрвиль киритган, бу билан у нусхаларни ёшартирмоқчи, замонавийлаштирмоқчи бўлган, деди.

Клотильда де Сюрвилнинг чиндан ҳам яшаб ўтганини исботлаш билан унинг мазкур шеърлар муаллифи эканлигини тасдиқлаб бўлмайди, деб ҳақли равишда таъкидлашди унинг мухолифлари. "Мана, масалан, — дея эътироз билдиришади улар, — Гильом Кольте деган шоирнинг ўзи битган ашъорларни, хотиним Клодини ёзган, деб собиқ хизматкорини шоирага чиқармоқчи бўлган эди-ку. Бу билан у ўзининг хизматкорига уйланганини ёр-бирадарлари олдида оқламоқчи бўлганди".

Бунга жавобан Масэ архивдан Вандербургнинг Сюрвилнинг бевасига йўллаган йигирмата мактубини чиқариб кўрсатди. Натижада Вандербургнинг муаллиф эмаслигига шубҳа қолмади. Энди Сюрвиль қолган эди. Унинг шоирлик иқтидоридан буткул йироқлиги бу қадар истеъдод билан яратилган асарларга даъвогарлигига шубҳа билан қарашга мажбур этади. Дарвоқе, шубҳамиз ўринлими? Ахир, адабиётимиз тарихи умри давомида адабий қимматга лойиқ бирор нарса ижод қилмай туриб ҳам доҳиёна қаллобликларни урчитаётган адабиётчиларни билмайди, дейсизми?!

Русчадан Ғиёс КОМИЛОВ таржимаси

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОСИЁДА ТЕНГСИЗ

Ўтган куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси йилнинг энг яхши футболчилари номини эълон қилди. Хўш, қитъанинг тенгсиз чарм тўп устаси номига кимлар муносиб кўрилди? Аксарият мутахассислар бу номга япониялик футболчилар Ясухито Эндо ва Южи Наказава даъвогарлик қилишини таъкидлашаётганди... Лекин ОФК президенти Муҳаммад бин Ҳаммам барчани ҳайратга солиб, 2008 йилнинг энг яхши ўйинчиси номига ўзбекистонлик футболчи Сервер Жепаров сазовор бўлганини маълум қилди.

"Ҳайратга солиб" дейишимизга сабаб йил ўйинчиси номига эришиш учун аввалига ўн тўрт нафар машҳур футболчи даъвогарлик қилишди. Улар орасида Англия премер лигасининг "Болтон" ҳамда "Фулхэм" каби жамоаларида тўп сураётган австралиялик ва бошқа кўплаб тажрибали футболчиларнинг номлари ҳам қайд этилганди. 25 ноябрга келиб ушбу соврин учун беш нафар футболчи асосий даъвогар сифатида қайд этилди: ҳамюртимиз Сервер Жепаров, қатарлик Себастиан Сория, БАА футболчиси Исмоил Матар ҳамда японялик чарм тўп усталари Ясухито Эндо, Южи Наказава.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби аъзоси, жорий йилда Ўзбекистон чемпиони ва Ўзбекистон кубоги ғолиби Сервер Жепаров фахрий совринларини яна биттага ошириб, футболсевар юртдошларимизни жуда хурсанд қилди.

ОФК президенти Муҳаммад бин Ҳаммам қўлидан мукофотни қабул қилиб олар экан, Сервер Жепаров конфедерация қарори ўзи учун кутилмаган хушхабар бўлганини таъкидлаб, ҳаяжонланиб шундай деди: "Мен бу ерга келаётганимда ҳамюртларим "Совринсиз қайтма!", дейишганди. Ушбу ғалабани дўстларимга, устозларим ва ота-онамга бағишлайман!".

Эслатиб ўтамиз, тадбирда юртимиздан бошқа номинациялар бўйича ҳам вакиллар иштирок этишди. Жумладан, Ўзбекистон футбол федерацияси энг яхши миллий федерация, Ўзбекистон терма жамоаси "Фэйр плей", Равшан Эрматов энг яхши ҳакам, Абдуҳамидулло Расулов энг яхши ҳакам ёрдамчиси, "Бунёдкор" энг яхши жамоа номига даъвогарлик қилишди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ҳамюртимиз Равшан Эрматов Осиёда энг зўр ҳакам сифатида тан олинди. Ҳа, узоқ Шарқ мамлакатлари футбол ҳакамлари учрашувларни бошқаришда (айниқса, Жаҳон ёки Осиё чемпионати каби халқаро миқёсдаги матчлар) юртдошимиздан ўрнак олишса ёмон бўлмасди.

Дарвоқе, хитойлик журналистларнинг Сервер Жепаровга унинг Хитой футбол клубларидан бирига ўтиши ҳақида берган саволларига футболчимиз шундай жавоб берди: "Ҳозирча фаолиятимни чет элларда давом эттириш ниятим йўқ. Қолаверса, Хитой Ўзбекистондан жуда олисда. Кейинчалик, агар имкон туғилса, Россия футбол жамоаларидан бирида тўп сурмоқчиман".

Маълумотларга кўра, футболчимизни Лондоннинг "Челси" жамоаси ҳам ўз сафига қўшиб олмоқчи кўринади. Goal.com расмий сайти тарқатган хабарларда айтилишича, Роман Абрамович бошчилигидаги жамоа Сервер Жепаровни Кобхем шаҳридаги спорт базасига, "Челси" футболчилари билан бирга машғулот ўташга чақирган. Лондонликлар, шунингдек, Осиёнинг энг яхши ёш ўйинчиси номинацияси ғолиби, БАА футболчиси Аҳмад Ҳалилни ҳам жамоани таркибига қўшиб олиш ниятида. Агар футболчимиз туманли Альбионга йўл олса, Европа чемпионлар лигасида чорак финални нақд қилиб қўйган "Челси" таркибида майдонга тушиб, ушбу қитъада ҳам ўз маҳоратини намойиш этишга ва тажрибасини оширишга яхшигина имконият туғилади. Зеро, ўзбек футболчисининг Дрогба, Жерард, Роналду ва Торрес каби машҳур чарм тўп усталари билан тенгма-тенг тўп суришига ишонамиз.

ОФК қарорига кўра, Японияниг "Гамба Осака" жамоаси йилнинг энг яхши жамоаси, унинг мураббийи Акиро Нишино йилнинг энг яхши мураббийи мукофотларига сазовор бўлишди. Япония футбол жамоасининг бу номга муносиб кўрилиши бежиз эмас. "Гамба Осака" 2008 йил Осиё чемпионлар лигасининг ғолиби бўлди ва халқаро мусобақаларда ҳам кўплаб ютуқларга эришганди.

Шундай қилиб, "Сариқ қитъа"нинг сўнгги етти йилдаги энг яхши футболчилари рўйхати қуйидагича кўриниш олди:

1. 2002 — Шинжи Оно (Япония ва "Фейенорд" Голландия)
2. 2003 — Мехди Махдавикия (Эрон ва "Гамбург" Германия)
3. 2004 — Али Карими (Эрон ва "Ал-Аҳли" БАА)
4. 2005 — Ҳамад ал-Монташари (Саудия Арабистони ва "Ал-Иттиҳод")
5. 2006 — Халфан Иброҳим (Қатар ва "Ал-Садд")
6. 2007 — Ёсир ал-Ҳахтони (Саудия Арабистони ва "Ал-Ҳилол")
7. 2008 — Сервер Жепаров (Ўзбекистон ва "Бунёдкор").

Жамшид МАТЁҚУБОВ

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Эрталабданоқ матбуот дўконига югурасиз. Эҳ, яна улгурмайсиз. Сиздан чаққонроғи илиб кетган бўлади. Бир ҳафта хунобингиз ошиб юради. Келаси жума — яна шу аҳвол. Ундан кўра, югурмайнеттмай, асабингизни бузмай узоқ йиллик ҳамроҳингиз бўлган «ЎзАС»га ОБУНА бўлиб қўя қолмайсизми? Газета ўзи эшигингизни тақиллатиб келаверади.

Нашр кўрсаткичи — 222.

ТВ-ҳангома

СУРАТГА КЕЙИН ОЛАСИЗ...

Ўзбекистон телевидениесининг мусиқий кўрсатувлар бош редакциясида ишлаб юрган кезларим эди. Бир куни навбатдаги янги кўрсатувни тайёрлаш учун камера ва монтаж хонасига буюртма бердим. Орадан бир-икки кун ўттач маълум бўлдики, менга камера ажратишмапти. Муҳарририятнинг масъул котиби ишга яқинда келган ёш ходим эди, унга учрашиб, муаммони тушунтирдим. Ёш ҳамкасбим телевидениеда кўрсатувлар қандай тайёрланишини ҳали дурустроқ ўзлаштириб олмаган эканми, бамайлихотир шундай деди:

— Ака, сиз бемалол монтаж қилаверинг, кейин суратга олаверасиз...

Туроб НИЁЗ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси, шу бошқарма бошлиғи ўринбосари

Аҳмад РАЖАБОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Яккасарой туманида жойлашган «ASIAN COMFORT» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва бурчакли штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁҚУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.45.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4005. Буюртма Г — 1048. Ҳажми — 5 босма табоқ.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН